


Ю 24581
2

Ю 24581
2

Ойша Хасанбоева



ТАРБИЯВИЙ
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИ

97 x 817

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ, УҚУВ
МЕТОДИК МАРКАЗИ

ОЙША ҲАСАНБОВА

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИ

ТОШКЕНТ 1996

НО

Тақризчилар: Педагогика фанлари номзоди, доцент
К. ХОЛИҚБЕРДИЕВ
Педагогика билим юртининг методист
ўқитувчилари: Ё. Расулова
Ж. Мирзақулова

Ушбу методик тавсия Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги Республика илмий, ўқув методик маркази кенгашининг 3-сон қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

НО 24581
2
1997 ГБ УЗБСР
А 817

Ушбу «Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси» фани асосида ёзилган мазкур қўлланмада мўлжалланган баркамол инсонни тарбиялашнинг назарий-миллий асослари, тарбиявий ишларнинг мазмуни, шакллари, методикаси ҳамда илғор тажрибали ўқитувчилар ижодиётидан намуна, қатор методик тавсиялар ўз ифодасини топган. Методик қўлланма ўрта педагогика ўқув юртлари мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчиларига мўлжалланган. Методик қўлланмада маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, ижодий ёндошган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

ЎЗ БОШИ

Мустақил Республикамиз амалиётида қўлланаётган бахт қомусимизда белгилаб берилган қонунларимиздан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар томонлама камолга етган баркамол инсон учун зарур бўлган маънавий қирралари: иймон, эътиқод, меҳр, ватанпарварлик, инсонга чексиз муҳаббат, дўстлик, муруватлилик, қаноатлилик ва сабр-тоқатлилик, сакхийлик, миллий гурур каби фазилатларни шакллантириш зарурдир.

Асрлар давомида инсон ақл заковати ила бунёд этилган бой маънавияти туфайли,— деди президентимиз И .А. Қаримов,— халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Буюк алломаларимиз томонидан яратилган оғзаки, ёзма ижодиёт, ҳадиси шариф, халқ китоблари, пандномаларида авлодавлоддан ўтиб келаётган иймон, эътиқод сирларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги билимлар билан ёшларни қуроллантириш лозим.

Демак,

- баркамол инсон учун зарур бўлган ижобий фазилатлар моҳияти, мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиб муносабат билдириш;
- жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;
- баркамол инсон модулни тасаввур этиш, унинг маънавиятидаги зарурий сифатларни шакллантириш, шакл ва йўллариини излаш;

Ўқувчиларни маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбиявий даражасини аниқлаш лозим.

Ўқувчилар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган тарбиячи — ўқитувчи чуқур билим, кенг маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи даркор.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси курсининг мақсади:

- бўлажак ўқитувчи — тарбиячиларда тарбиявий ишларни ташкил қилишни назарий ва амалий асослари ҳақида билим бериш;
- инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларидан фойдаланиш, манбашуносликка ўргатиш;
- тарбиявий тадбирларни режалаштиришда ўқувчи-ёшларнинг руҳияти, қизиқиш, жамоадаги ижобий ва

салбий сифатларнинг мавжудлиги даражасига эътибор берилш;

— тарбиявий тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шакллари-дан фойдаланиш санъатига эга бўлиш кабилар.

Мазкур қўлланма педагогика билим юртлари ўқитувчи, тарбиячи ва талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бу соҳадаги дастлабки ишдир. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси курсида тарбиявий тадбирларни олаётган ўқувчиларда миллий мафкурани шакллантиришга қаратилган илғор иш тажрибалардан намуна тариқасида келтирилган.

1 боб. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ

Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг «Гулистон» асарида шундай деб ёзган эди: «Кимда ким ёшликдан тарбия олмаса, катта бўлгач бахтли бўла олмайди. Хўл навдани истаганча букиш мумкин. Қуруқ навдани эса фақат оловда товлаб тўғрилаш мумкин».

Тарбия ҳақидаги бу ғоя авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишда муҳимдир. Тарбия туғилган кундан бошланмоғи лозим.

«Тарбия» тарихий ва ижтимоий ҳодисадир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва ифодасини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният тараққиётини турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ёш авлодни миллий-маънавият руҳида тарбиялашга кенг имкон яратди.

«Маънавият» сўзининг ўзига хос «маъно»си бор. Дунёда маъно излаган киши маънавият сари талпиниб яхшилик ва ёмонликнинг фарқини англаб олади (Султонмурод Олим).

Шу сабабдан мустақил Ўзбекистон ёшлари тарбиясида уч манбадан фойдаланиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» асарида қуйидагича уч омил кўрсатилган:

1. Умумий инсоний қадриятлар.
2. Ислом таълимоти.
3. Ўзбек миллий урф-одатлари.

Юқоридаги омиллар бир-бири билан боғланган бўлиб, у А. Авлоний айтганидек: Агар инсон яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул бахтиёр бир инсон чиқар... Шу сабабдан А. Авлоний тарбиянинг инсон ҳаётига зарурлигини назарда тутиб «тарбия — ҳаёт ё мамот» деб таъкидлаган эди.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ КУРСИ ПРЕДМЕТИ

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб етиштиришда унга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси фанининг предмети, бўлажак тарбиячи-ўқитувчиларга келажак авлодни маънавий жиҳатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб тарбиялаш санъатининг қирралари, шакл ва йўллари, ҳамда билим, малака ҳосил қилиш ҳақида баҳс юритади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси ижтимоий фан бўлиб, миллий онг ва истиқлол мафкурасини шакллантиришга хизмат қилади. Унинг мақсад ва вазифалари:

Бўлажак ўқитувчилар, тарбиячилар тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умуминсоний қадриятлардан кенг фойдаланиши, тарбиявий таъсирга эга бўлган манбаларни ажрата билиши;

Ўқувчилар жамоасининг тарбиявий даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;

Тарбиявий тадбирлар учун зарур методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;

Илғор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;

Тарбиявий тадбирларни ўқувчиларни руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши;

Тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши лозим.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг услубий асоси ўтмишдан қолган халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликлар, халқ арбоблари, Ўрта Осиё мутафаккир, маърифатпарвар, олим, педагогларнинг бой меросидир.

Шу билан бирга, Ислом дини ва тасаввуф оламига оид таълимотлар, Ҳадис ва Ҳадисшунос олимларнинг ижодиёти. Ғарб ва Шарқ олимларнинг шеърлари тар-

биявий ишларни болалар қалбига етказиш қонун-қонда, усул ва йўллариини кўрсатувчи методологик асосдир.

Айниқса, комил инсон тарбиясига онд илмий-методик, оммавий адабиётлар, шунингдек, Республика Президенти И. А. Каримовнинг бир қатор асарлари ёш авлодни тарбиялашга онд гоьлар тарбиявий ишлар тизмининг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикасининг асосий манбалари:

Миллий умуминсоний қадриятлар.

Ўзлом таълимоти.

Ўзбек миллий урф-одатлари.

Донолар бисоти.

Ўзбекистон Республикасининг рамзи, мадҳияси, байроғи, конституцияси.

Ўзбекистон мактабларидаги илғор тажрибалар.

Тарбиявий ишлар методикаси фанининг тизими:

✓ педагогик маҳорат ва тарбиячилик санъати. Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг шарқона ўзига хослиги ва педагогик таъсир кўрсатиш. Тарбиячилик касбига йўналтириш. Ҳозирги замон техникаси билан тарбиявий таъсир кўрсатиш.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг тизими.

миллий истиқлол талабига жавоб берадиган баркамол инсонни тарбиялашга қаратилгандир.

Баркамолликнинг биринчи намунаси Ватанга муҳаббат, Вагаи туйғуси, гурури ва уни саждагоҳ сифатида ардоқлашдир.

Ватанга муҳаббат заминида инсонпарварлик туйғуси тарбияланади.

Буюк давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Ўз юртини қўйиб, Ҳинд сари юзланганини «юзи қаролик» деб ҳисоблаган эди. Шу сабабдан швецариялик педагог Иогани Генрих Песталоций айтганидек: «Болада дастлаб онага меҳрни уйғотмоқ керак. Онани севган бола инсонни севади, инсонни севган Ватани севади».

Миллий тикланиш кишиларимизда ИНСОНПАРВАРЛИК туйғуларини тарбиялашни таъминламоқда. Одамлар бир-бирига дўст, меҳрибон ва шафиқ бўлмоқда.

Инсонпарварликдан БАЙНАЛМИЛАЛЛИК ва БИР-ДАМЛИК келиб чиқади. Ўзбекистонда яшовчи кишилар миллати, тили, дини, рангидан қатъий назар, биргалликда Ўзбекистон халқини ташкил этадилар. Улар Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қиладилар. Бас, шундай экан, биз ҳаммамиз бир онанинг фарзандларимиз, бир-биримиз билан дўстона ва тотув яшаб, севиқли диёримизнинг истиқболини ярата бормогимиз лозим.

Халқимиз азалдан меҳнатни улуғлаган. МЕҲНАТ-СЕВАРЛИК кишиларнинг энг яхши фазилатларидан бири деб ҳисобланган. Кишилар ҳалол меҳнат қилиб, шунинг эвазига топган даромадлари ҳисобига яшамоқлари ва болаларини таъминламоқлари лозим. Пешона тери билан топган бир Қора чақа ўзгаларнинг эҳсон этган хазинасидан яхшироқдур, деб ёзган эди АЛИШЕР НАВОЙИЙ.

Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Шунинг учун ҳам улуғ аجدодларимиз ёшларни касб-ҳунар эгалламоққа чақирганлар. «Хунар — ҳунардан унар», «Хунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг», «Нигит кишига етмиш ҳунар оз» каби эзгу ўғитлар халқ ўртасида кенг ёйилган.

Миллий тикланиш жараёнида биз деҳқончилик, ишлаб чиқаришда, ҳунармандчиликда қўлланиладиган меҳнатга чуқур ҳурмат билан қараймиз. Жисмоний меҳнат ҳар бир тани-жонни соғ бўлган одам учун фарз ва қарзидир.

Маънавий баркамолликнинг кўринишларидан бири меҳнатсеварликдир. Ҳалол меҳнат кишиларни маънавий юксакликка кўтаради, инсон ҳаётининг туб моҳиятини ташкил этади.

Маънавий жиҳатдан пок ва юксак даражадаги одам ТАЪМАДАН ҲАЗАР қилади, ундан нафратланади. Ҳақиқий саховат ҳеч қачон бирор нарса таъма қилмасликдадир. Алишер Навоий ёзади:

Они сахий англагил, эй хушманд,
Ким ани давлат қилибон сарбаланд.
Ҳоли агар яхшидур гар табоҳ,
Кимсадин этмас таман молу жоҳ...

Маънавий баркамол инсоннинг яна бир фазилати **КАТТАГА ХУРМАТ, КИЧИККА ШАФҚАТЛИ** бўлиш. Бу масалада, хусусан, ота ва онага бўлган иззат алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда Алишер Навоий таълим бериб ёзган эди:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Икки жаҳонингга тиларсан фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.
Тун кунингга айлагани нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш!

Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратувчи авлодни шакллантириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, буни ибратли тимсоллар орқали амалга ошириш лозимлигини унутмаслигимиз керак. Бундай тимсоллар бадий адабиётда етарли. Масалан: Алишар Навоийнинг Фарҳод, Ширин, Қайс, Лайли, Дилором, Саъд, Искандар, Меҳроноз, халқ оғзаки ижодининг Алпомиш, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Равшан каби қаҳрамонлари, бадий адабиётимизнинг Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Гофир, Жамила, Йўлчи, Гулнор, Саида сингари образлари шулар жумласидандир.

Бу қаҳрамонлар қалбидаги **ЧИН СЕВГИ ТУЙГУЛАРИ** қанчадан-қанча авлод қалбини мафтун этган:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Дема жаҳон балки бу жон белмасин.

— деб ёзган эди Алишер Навоий.

Абу Райҳон Беруний ўзининг минералогияга оид китобида кишининг **ОЗОДАЛИККА МУҲАББАТИ**ни таърифлаб ёзган эди, кишининг иш жойи, идиш-товоғи, иш қуроллари ҳаммаси озода бўлмоғи керак.

Кишининг танаси, кийимлари ҳам ҳаминша тоза бўлмоғи шарт. Барча пардоз ашёлари ичида энг муҳими ва кераклиси сувдир.

Демак озодаликка риоя қилиш азалдан халқ турмушининг энг муҳим қондаларидан бири бўлган.

АТРОФ МУҲИТГА МУНОСАБАТ ҳам худди шундайдир. Сув, тупроқ, ҳаво, олов — бутун борлиқнинг замири бўлган. Улар муқаддас ҳисобланган.

Ҳозирги атроф муҳитнинг умумий ифлосланиш шариотида бу тушунчаларни тикламоқ зарур. Табиатга, наботот ва ҳайвонот дунёсига шафқатли муносабат ҳам

миллий тикланишнинг бир бўлагидир. Шундай қилиб, биз миллий тикланиш жараёнида юзага келувчи ахлоқ-одоб, юриш-туриш қондаларининг энг асосийларини кўриб чиқдик. Булар тарбиявий ишлар тизимининг ҳам негизидир.

Савол ва топшириқлар.

1. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси фанининг мақсад ва вазифаси ҳақида нима биласиз?
2. Тарбиянинг назарий ва миллий асоси нимада?
3. Комил инсон тарбиясининг асосий тизимлари ва манбалари?
4. Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси фанининг мустақил Ўзбекистонда ёшларни тарбиялашдаги ўрнини асослаб беринг?

Ижодий иш.

1. Комил инсон ва унга хос сифатларни тавсифлаб маъносини очиб беринг?
2. Комил инсон тарбиясига доир адбиётлар рўйхатини тузинг?

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари

Туркистонда миллий уйғонишнинг вужудга келиши қонуний зарурият бўлиб, унинг заминида халқлардаги мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш истаги ётар эди. Халқдаги бундай истакнинг пайдо бўлишида ўтмишдаги қуйидаги назарий таълимотлар жиддий таъсир кўрсатди:

Ўзбек халқининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши натижасида ўлкадаги миллий, диний ғояларнинг кенг рўёбга чиқиши;

маърифатпарварлик ёки жамиятни янгилашга интилиш — жадидчилик (арабча «янги» деган маъно англатади) ҳаракати;

она тилимиз, унинг софлиги ва хорижий сўзлар, иборалардан озод қилиш учун кураш.

Миллий уйғонишга доир бундай назарий йўналишларнинг мақсадлари қуйидагича эди:

1. Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиятининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш.
2. Халқимиз яратган миллий урф-одат ва анъаналарни тиклаш.

3. Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдаги инсон камолати ҳақидаги ғояларни ёшларга ўргатиш.
4. Маърифатпарвар мутафаккирлар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш.

Юқоридаги миллий тарбиянинг назарий асосларидан фойдаланиш орқалигина миллий тарбия — халқ руҳи билан боғланади.

—Маълумки, миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Рус педагоги К. Д. Ушинский ўзининг «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи ҳақида»ги асарида — «Ҳамма учун умумий бўлган биргина туғма одат борки, ҳаминша тарбия шунга таяниши мумкин: у ҳам бўлса, халқнинг ўзи яратган ва халқчилик асосига қурилган ва биз уни тарбиянинг халқчилиги... деб аталадиган нарсадир...!»¹

Мустақиллик шарофати биз 70 йилдан бери унутилган маданий ва халқ маросимларни тиклаш ва ўрганиш учун янги шарт-шароит яратилди. Республикамиз тарихшунос, педагог ва адабиётшунослар томонидан ўтмиш маросимлар қисман ўрганилган бўлишига қарамай, уни биз хонадонларимизга, мактаб ва жамоатчилик шуурига стказишга бепарво эдик. Кези келганда болаларимиз Алпомиш, Ҳотамтой, Қалдирғочбека, Гўрўғли, Алдар Кўса каби халқ қаҳрамонларининг мардлигини орзу қилмаган болани койишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Чунки биз бу халқ эртаклари ҳақида кам гапирганмиз.

Халқ оғзаки эмаццион ижодий сўз санъати, фольклор, мифология, афсона, дoston, ривоят ва ҳикоялар халқ ўртасидагина эмас балки ёзув орқали авлоддан-авлодга инъом этилган.

Биз ўтмиш мутафаккир ва олим — маърифатпарварларининг қайси бир асарларини ўрганмайлик уларнинг халқ яратилган миллий бойликдан фойдаланганларини кўрамиз. Шарҳлар ёки ёзишмаларни таҳлил қилиш орқали ҳам буни кузатиш мумкин. Масалан: Ал Форобий Афлотун фалсафасини авлодларга ўтказди, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Низомий Ганжавийнинг Ҳамсасини давом эттирди.

Ўтмиш маданий миллий меросимиз бу кун бизнинг ҳамроҳимиз ёшларимиз тарбияси учун муҳим восита бў-

¹ К. Д. Ушинский танланган педагогик асарлар. Тошкент; Ўқув педагогик нашриёти 1959 й. 101—102 бетлар:

либ хизмат қилмоғи лозим. Биз шу кунда кенг қўламдаги ахборот воситаларига манбаъларга эгамиз. Булар кундалик ҳаётимизда фарзандларимиз қалбига етиб бориши лозим. Бу борада Абу Исо Муҳаммад бинжи Имом Термизий, Исмоил Бухорийнинг Ҳадислари ёки Муҳаммад пайғамбаримиз Ҳадисларидан 1001 ҳадиснинг нашр этилиши, «Қуръони карим»нинг таржимаси, Юсуф Хос Хожиб, Муҳаммад ва Маҳмуд Кошғарийларнинг асарлари, шу билан бирга, бошланғич таълим устодлари М. Беҳбудий, А. Фитрат, Саидрасул Азизий, Исоқхон Ибрат, Муҳаммад Авобий, Сиддиқий, Шокурйй, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Ҳамза ва бошқаларнинг ижодида миллий масалалар улар яратган дарслик ва асарларида муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда бозор иқтисодига ўтиш ҳам тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. И. Каримовнинг сўзи билан айтганда: «Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан айниқса мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман маънавий қадриятлар ҳалқимизнинг руҳини баланд сақлаш ёш авлодни тарбиялаш энг асосий вазифа бўлиб қолиши керак...»¹

Шу сабабдан мактабларда «Одобнома»ни фан сифатида ўқитишимиз тарбиявий ишларни ташкил қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада олимларимиз бир қатор ишларни амалга оширдилар. О. Тўраева, Т. Қурбонов ва М. Туроновлар билан ҳамкорликда яратилган юқори синфлар учун «Одобнома» дастур ва ўқув қўлланмалари, С. Нишоновнинг «Маънавият дарслари», У. Маҳкамовнинг «Ахлоқ — одоб сабоқлари», А. Жўраевнинг «Тарбиявий дарсларни ўтиш», О. Ҳасанбоева «Бошланғич синф ўқувчилари учун» каби китоблари ва бошқа муаллифларнинг яратган «Одоб сабоқлари» каби дастур ва ўқув қўлланмалари тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ва миллий тарбияни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишда бош омил кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда миллий ғурур, шарқона мулоқат одоби, маданий-диний ғояларга тўғри муносабатда бўлиш, ўзбек санъати, халқ ёдгорликларини тушуниш ва ардоқлаш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдир.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. «Ўзбекистон», 1992 й., 23-бет.

Тарбиявий ишларни тўғри ташкил қилишда бериладиган назарий билимларни ўқувчилар қалбига етказиш, уларни кундалик эҳтиёжига айлантириш учун ўқитувчи қуйидаги иш усулларига эътибор бериши лозим:

1. Синф жамоасининг руҳий ҳолати, яъни ҳар бир ўқувчининг шахси, фаолияти, қизиқиши даражаси.
2. Синф ўқувчиларининг тарбияланган даражаси. Синфда тартиб-иттиҳом, синф мулкига бўлган муносабат.
3. Синфда олиб бориладиган тарбиявий тадбирларга муносабат (ижобий ёки салбий).
4. Синфдаги ижтимоий фикрга бўйсинувчанлик.
5. Синфдаги ўзаро ахлоқий муомала ва муносабатлар.
6. Мактабда ташкил қилинган қонуи-қондаларга муносабат ва унга амал қилиш.

Юқоридагиларга амал қилган ўқитувчи (тарбиячи) ўз афолиятини ташкил қилишда ишмаларга эътибор бериши тез англаб олади.

Устоз ўқитувчининг билим даражаси, шарқона фикр юрита билиши, иш билан ҳаракатининг бирлиги синф ўқувчиларининг ўрганиш ва улардаги ижобий фазлатларини такомиллаштириб, салбий хислатларни йўқотишга имкон беради.

Мустақил Ўзбекистонда биринчи марта тарбиявий ишларнинг миллий асосларини ҳисобга олиб, «Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар» концепцияси (йўриқнома) ишлаб чиқилди.

Қори-Ниезний номидаги ЎзПФТИ олимлар гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилган «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» концепцияси (йўриқномаси) ҳам тарбиявий ишларнинг назарий ва амалий жиҳатдан тўғри режалаштириш имконини яратади.

Мазкур концепцияда тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари қуйидагича берилган:

Инсонни, унинг атрофини қуршаб турган воситалар: оиласи, ота-онаси, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Ўқувчи — ёшларнинг ривожланиш жараёнини бошқариб бориш керак. Инсоннинг биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи, ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, унинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Тарбиянинг етакчи мақсади сифатида асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотга эришуви гоёси асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камол

лотга эришуви, бу унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўлақонлилигини, жисмоний, ахлоқий, снёсий эстетик қарашлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Жумладан:

- ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;
- ўқувчиларни умуминсоний ва ватанмиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, уларда маданий ва диний билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, эстетик тушунчаларини шакллантириш;
- ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг табиий билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш. Инсон фаолиятини турли соҳаларда жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

Инсонпарварлик ахлоқий меъёрларини шакллантириш (меҳрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик), муомала одоби, зиёдлилик маданияти каби тарбия чоралари (ноҳақликка, ёлғончилик, тухмаг, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланиши лозим;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қондаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахсининг ноёб қирраларини белгилловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулияг хисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрлик, экологик тарбия;

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, маданият арбобларига бўлган алоҳида муносабат ва уни ўрганиш, ўз халқи, давлати унинг ҳимояси учун ҳамisha шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш. Ёш авлодни Ўзбекистон Мадҳиясига, Байроғига, Гербига, Конституциясига, Президентига садоқатли қилиб тарбиялаш;

- турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш, меҳнатга ижодий ёндашиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби хислатларини тарбиялаш,

амалий муносабатлар — тадбиркорлик тўғрисидалик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш;

- соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳибни бўлишга интилиш. Узининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва уларнинг оқибатига масъулият билан қараш хислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш. Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири, одамларни ва ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;
- мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократия ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик, бетарафлик, ошкора-очиқ ташқи сиёсати ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ керак.

Тарбиянинг асосий тизими қуйидагилар бўлиши лозим:

- тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлигининг эътиборда тутилиши;
- миллийликнинг ўзига хос анъана воситаларига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий «бунёдкорлиги» ёш авлоднинг яшаш лозим бўлган кўп миллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишларини, интилишларини инкор қилмаслик лозим;
- ўқувчилар фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар билан юртидаги пайтида нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар. Зарур, қизиқарли, тўлақонли болалар ёш жиҳатларига мос ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, ҳайрия, ижтимоий-фойдали, ижтимоий-кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар кўнгиллари тусанган ишга қўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқан барқарор бўлсин.

Тарбиявий ишларни режалаштириш ва унга қўйилган педагогик талаблар

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълимий-тарбиявий фаолиятлари ўзига хос хусусиятга эга: ўқувчиларда ҳаётний тажрибаларнинг камлиги, ўқув-тарбия жараёнида ҳодисаларга қизиқиши, «яхши», «ёмон» ҳаракатларга чуқур муносабат билдира олмаслиги каби-лар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятини режалаштириш ўзига хос қоидаларга эгадир.

1. Ҳар бир синф жамоасининг тарбияланган даражасини ўрганиш.
2. Ўқувчиларнинг oilавий ҳаёти, ота-онанинг фарзанд тарбиялашдаги бурчи ва вазифасини қандай ҳис этиши.
3. Кундалик ўзгаришларга ўқувчиларнинг муносабати.
4. Ўқувчиларнинг шарқона миллий урф-одат, анъаналар ҳақидаги билим даражаси.
5. Қомусий маърифатпарвар, мутафаккирлар ҳамда ҳозирги замон шоир, ёзувчиларнинг ижодиётидан намуналар билишлари.

Юқоридагиларни аниқлашда суҳбат, анкета усуллари-дан фойдаланиш ўринлидир. Шундагина ҳар бир ўқитувчи-тарбиячиларнинг бетакрор, бир-бирига ўхшамаган тарбиявий тадбир режалари бунёдга келади. Бундай режалар тарбиявий таъсирга эга бўлиб мақсадга эриштира олади.

Тарбиявий ишларни режалаштиришнинг асосий омиллари:

1. Ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик.
2. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш.
3. Маънавий тарбия (ахлоқ ва одоб).
4. Иқтисодий тарбия.
5. Экологик тарбия.
6. Гўзаллик тарбияси.
7. Жисмоний баркамоллик (соғлом авлод учун).
8. Ота-оналар билан ишлаш.

Юқоридаги омилларни режалаштиришда танланган мавзулар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Тарбиявий тадбирлар режаси ва ундаги мавзулар давр талабига жавоб бериши.

2. Танланган мавзулар миллий ва умуминсоний қадриятлар қамровида бўлиши.
3. Тарбиявий тадбирлар узвийлик қондасига амал қилган бўлиши.
4. Мавзулар ўқувчиларни ёши ва билим савиясига мос бўлиши.

Тарбиявий тадбирлар режаларидан намуналар:

Дастлабки режага Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги «Маданий меросга — ихлос» юзасидан тузилган Низом асос қилиб олинди, у қуйидаги мазмунга эга:

1. Ватан ғурури — камолот мулкининг асоси. (I—II синфлар учун)


- а) Туғилган уй, кўча шаҳар ва ўлкаларининг тарихи.
- б) Бир болага етти қўшни ота-она эканлиги.
- в) Авлодлар шажариси ҳақида дастлабки маълумот.
- г) Атроф табиатидаги ўсимликларни номи ва уни муҳофаза қилиш.
- д) Ўлка тарихига оид (тарихий обидалар, кимлар яшаган, иқтисодий бойлиги, санъати ва келажак режалар) маълумотлар.
- е) Киндик қони тўкилган жойни тупроғи азиз ҳиссини сингдириш.

2. Турмуш маданияти.

- а) Шарқона оила.
- б) Ота-она меҳри, уларни борлигидан фахрланиш.
- в) Оилада шарқона урф-одатлар, анъаналар қонун ва қоидаларга амал қилиш.
- г) Қариялар тарихини ўрганиш, уларни яхши фазилатлари билан чуқурлашиш ва ғамхўрлик қилиш.
- д) Турмуш ва бозор иқтисодига шарқона муносабат уйғотиш.

3. Ўзбек тилининг софлиги — халқ ифтихори

- а) Ҳар бир миллатни она тили ва унга меҳри миллий ғурурини гул тожиси эканлиги (халқ мақол, ривоят, ҳикоятлардан фойдаланиш).



- б) Ўзбек тилининг тарихи, ривож.
- в) Ўзбек тилининг истиқбол.
- г) «Тил билган элни билади» (дунё тилларининг моҳити ҳақида).

4.Ўзбек миллий урф-одат расм-русмлар ва маросимлар

- 1. Оилавий урф-одатлар.
- 2. Расм-русмлар ва уларнинг тарихи.
- 3. Маросимлар уларнинг турлари, тарихи ва мазмуни.

III—IV синф ўқувчилари учун Ватан гурури камолот мулкининг асоси:

- а) Қўчманчи ўзбек элатларининг шаклланиши ва унинг тузуми.
- б) Ўзбекистон ҳудуди ва унинг тарихи ҳақида маълумот.
- в) Ўзбекистон ўтмишидаги подшоҳ ва хонлар, улардаги сифатлар.
- г) Ўзбекистон табиати, ҳайвонот ва ўсимлик олами.
- д) Ўтмиш ва мустақил Ўзбекистон.
- е) Бутун дунё ўзбеклари нима билан фахрланишлари.
- ё) Ўзбекистон мадҳиясида миллий гурури.

Турмуш маданияти

- а) Оиланинг иқтисодий илдизи, уни бошқаришда оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги. Бюджет тақсимоти.
- б) Оилавий анъаналар ва унга нисбатан садоқат ҳисси.
- в) Оилавий маросимлар. Оиланинг ҳар бир аъзосининг ўрни ва бурчи.
- г) Оила истиқболига хиёнат қилмаслик.
- д) Оила аъзоларининг бурчи.
- е) Замонавий оиланинг шакли, маънавий гўзаллиги. Шарқона оила жиҳози.

Ўзбек тили софлиги халқ ифтихори

- а) Тил тарихини ўрганиш. Дастлабки туркий тилда ёзилган асарларни ўрганиш (Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий).
- б) Тилшунос олимлар билан учрашув.
- в) Соф ўзбек тили сирлари, тил ўрганиш ҳақида донолар ҳикматлари.

Шарқона ўқишнинг оҳангдорлиги ҳақида маълумот бериш.

Шарқшунослик ва тил-адабиёт илмгоҳларига ташриф буюриш.

Миллий урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимлар

- а) Миллий урф-одатларнинг келиб чиқиш тарихи. Унга амал қилишнинг ижобий томонлари.
- б) Халқ фольклорида ва ёдгорликларида расм-русум, прим-сиримларни асослаб берилиши.
- в) Турли миллат халқларининг урф-одатлари ва уларга муносабат.
- г) Аждодларимизни кийиниши, юриш-туришига ўзбекона муносабат билдириш. Ҳозирги замон талаблари-чи? Тўғрими?

Санъат ва маданият меъморчилиги

- а) Санъатни шарқона кўринишлари, Аждодларимиз санъати тарихи.
- б) Санъат усталари (ўтмиш ва ҳозир).
- в) Санъат масканлари ва уни турлари.
- г) Санъатга муносабат.
- д) Миллий санъатнинг келажаги.
- е) Меъморчилик тарихи. Маданий меъморчилик кошоналарига саёҳат ва уни ўрганиш.
- ё) Қўли гул устоз ва шоғирдлар ҳаёти ва келажаги.
- з) Меъморчилик кўринишлари (танлаб ўрганиш).

Боболардан болаларга насиҳат ва пандлар

- а) Ўзбек халқининг қадимий ёдгорликлари.
- б) Диний ишқда ижод этган А. Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий Ғаззолий, Ҳазинийлар ижодиётида одоб-ахлоқ масалалари.
- в) Ўзбек шоирларининг пандлари. Зебунисо, Завқий, Нодира, Амбар Отин...
- г) Замонавий шоир ва шоиралар. Учрашув ва кечалар ташкил қилиш. Уларни ижодиётига таҳассуб қилишга ундаш.

Динда маънавий инсоний қадриятлар

1. Диний таълим даргоҳлари ҳақида маълумот. Уларда ўқитиладиган дарсликлар ҳақида маълумот бериш.
2. Ўтмишдаги диний даргоҳларга бир назар (Авлиё пайғамбар, Саҳоба ва бошқаларни фаолияти ва ўтмиши ҳақида маълумот) олиш.
3. Араб халифалигининг анъаналари (мавдуд, мушкул кушод...) Қиссалар, пандномалар ҳақида маълумот бериш.

Ўзбекона инсоний, юксак ахлоқий сифатлар

- а) Алломаларнинг ўғил ва қизларга айтган насиҳатлари.
- б) Қизлик иффати, хаёси, ғурури.
- в) Оила ва жамоат меҳнатига тўғри муносабатда бўлиш.
- г) Инсон ғўзаллигини англатувчи белгилар.
- д) «Яхшилик» ва «ёмонлик»ни келтирувчи ҳасоб, унинг сабаблари, обрў қозониш осон иш-ми?
- е) Саёқ юрган таёқ ер.
- ё) Бозор қилиш одоби.
- ж) Табиат ғўзаллигини сақлаш.

Савол ва топшириқлар

1. Тарбиявий ишларни ташкил қилишни миллий асоси ва унинг асосий йўналишларини нималар ташкил этади?
2. Тарбиявий ишларни ташкил қилишни методикасини бозор иқтисодини амалга оширишдаги ўрни ва муаммолари нимада?
3. Тарбиявий ишларнинг ташкил қилишни бош омили ва ўқитувчи томонидан қўлланадиган усулларни изоҳланг?

И ж о д и й и ш

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш Концепцияси (йўриқномасини) ўрганиб таҳлил қилинг. (Қори-Нисий номидаги ЎзПФТИ олимлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар» йўриқномаси 1992 йил).

II боб. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ҲУҚУВЧИЛАРДА ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛИ ВА ШАКЛЛАРИ

Кичик мактаб ёшидаги ҳуқувчиларга таълим бериш билан бир қаторда уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари фаолиятини ташкил қилиш баркамол инсонни тарбиялашдаги маданий-маърифий ишлар самарадорлигини оширади.

Ҳуқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнида қўлланадиган методлар: Тарбиявий тадбирнинг мақсади, мазмуни ва унинг характерига мос бўлиши; тарбиявий ишларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожланувчи йўналишини яхлит амалга ошириш.

Ҳуқувчиларда материалларни ранг-баранглиги, қизиқарли, ҳаётий бўлиши, муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқувчиларда ахлоқий фазилатларни тарбиялашда унга раҳбарлик қилишнинг мазмуни, шакли ва усуллари бирлигини таъминлаш, уни натижасини ҳисобга олиш услубияти, таълим-тарбиянинг бирлигини яхлит амалга ошириш.

Кичик мактаб ёшидаги ҳуқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантиришда метод танлашда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим:

Ҳуқувчи шаклланиши лозим бўлган у ёки бу фазилатни мазмунига кўра:

Ҳуқувчининг ёши, руҳий, ақл заковатига, маънавий дунёси ва фаолиятига таъсир этишга кўмаклашувчи бўлиши,

Ҳуқувчилар яшайдиган ҳудуд шароитини ҳисобга олиш ва мослаштириш.

Тарбиявий таъсир этувчи усул-методлар кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида тарбия воситаси ҳисобланган — халқ оғзаки ижоди намуналари мақол, нақл, матал, эртак, ҳикмат, ривоят, аңызана, театр, амалий санъатдан фойдаланиши.

Шарқ мутафаккирларининг маданий мероси: пандномалар, битиклар ёзма ёдгорликлар, халқ китоблари, урф-одат, байрамларни амалга оширишда қўлланганлар. Бу методлар қуйидагилар:

- Ҳар бир ишда катталарнинг шахсий намунаси;
- Панд насиҳат қилиш, суҳбат ўтказиш;
- Уйин ва машқ;
- Рағбатлантириш: табассум, илжайиш, баракалло, яхши ва бошқалар

— Ургатиш ва тушунтириш;

— Жазолаш.

Юқоридаги тарбия усуллари халқ орасида уни кундалик ҳаётида қўлланиб у ё ижобий, ё салбий таъсирга эгадир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда юқоридаги методлардан комплекс шаклда фойдаланиш ҳаёт тақозасидир.

Тарбия методларини мактабда ўтказиладиган турли иш шаклларида қўлланади: Ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, ўйин, эрталик байрамлари, мунозара, ўткир зеҳнлилар мушоираси, байрам, маросимлар...

Ахлоқий суҳбатларни ўтказиш методикаси.

Ахлоқий суҳбатлар махсус мақсадга қаратилган тadbир бўлиб, ўқитувчининг тарбиявий режаси асосида ташкил этилади.

Ахлоқий суҳбатларнинг тузилишидаги асосий босқичлар:

Мавзу:

Мавзудан кўзлаган мақсад: тарбиявий, ривожланувчи.

Суҳбатни олиб боришда танланган комплекс методлар: тушунтириш, ўйин, машқ.

Суҳбатнинг жиҳози: кўргазма, расм...

Суҳбатнинг бориши: Уч қисмдан иборат

1) Кириш

2) Ўқувчиларнинг билим савияси ва тарбиясига таъсир кўрсатиш

3) Суҳбат якуни.

Суҳбат натижасини аниқловчи иш фаолият (савол-жавоб, ўқувчинини мавзу мазмунидаги муносабати, синф ҳаётидаги руҳий ўзгаришлар)

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ўтказиладиган суҳбатлар мазмунига кўра 10—15, 20—25 дақиқани қамраб олиши лозим.

Суҳбатларни юқори савияда ташкил қилишда ўқитувчи қуйидаги маданият қирраларига эга бўлиши керак:

Руҳият маданияти — ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларига тўғри таъсир кўрсатиш.

Сиёсий маданият — давр талабига мос иқтисодий, ижтимоий билимга эга бўлиш.

Маънавий маданият — яъни ўқувчиларнинг ижодий, маънавий, бадний фаолиятини ташкил қилишдир.

Маҳорат маданияти — ҳар бир тadbирни зўр қувонч ва қалбдан ташкил қилишдан иборатдир.

Ахлоқий суҳбатларни синфда, маҳаллаларда ўқувчи ва ота-оналар билан ҳамкорликда ўтказиш мумкин. Ахлоқий мавзудаги суҳбатлардан намуналар келтирамиз. Тошкент шаҳар 4-сон мактаб иш тажрибасидан.

Суҳбат мавзуси: «Меҳмондўстлик».

Суҳбат мақсади: ўқувчиларда меҳмон кутиш одоби ҳақида билим, малака ҳосил қилиш ва сеҳрли сўзлар маъносини тушунтириш.

Тадбирни ўтказиш жараёнида болаларда мавжуд бўлган аҳиллик, дўстлик, меҳрибонлик, хушмуомалалик тушунчаларини ривожлантириш лозим.

Суҳбат жараёнида қўлланадиган усуллар: жонли сўз, ўргатиш, тушунтириш, панд-насиҳат каби бўлиши мумкин.

Суҳбатга тайёргарлик ва жиҳозлаш:

Суҳбатни уюштиришдан олдин қўйидаги тайёргарлик ишлари кўрилади: Икки-уч ўқувчига меҳмон ва меҳмондўстлик ҳақидаги шеър, мақол ва ҳикояларни ўқиб, уни ўргатиш вазифаси берилди.

Суҳбатнинг режаси тузилиб, суҳбат ўтказиладиган жой: маҳалла ёки клуб белгиланди. Тадбир ўтказиладиган жой:

Иўқча гуруч ош бўлур,
Меҳмон кўнгли шод бўлур.
Меҳмон келар эшикдан,
Рисқи келар тешикдан.
Меҳмон отангдан улуғ.
Меҳмонга ош қўй,
Икки қўлини бўш қўй.

каби ҳикматли сўзлар билан чиройли қилиб безатилди. Бино эшигига «Хуш келибсиз азиз меҳмонлар» шиори ҳам ёзиб қўйилган. Бир неча ўқувчилар меҳмонларни очиқ чехра билан кутиб олдилар.

Суҳбатни кириш сўзи билан Зироат опа очади. — Ҳурматли болалар ва азиз ота-оналар! — деди Зироат опа меҳмонларга қарата, — меҳмондўстлик ўзбек халқига хос бўлган фазилатларидан биридир. Ўзбек халқи қадим-қадимдан уйига келган қон-қариндош, таниш-билиш ва ўртоқ-дўстларини, очиқ чехра билан кутиб, унинг кўнглини хушнуд қилган. Мана шу анъанани бизнинг ота-боболаримиз давом эттирдилар. Мана бугун биз ҳам ана шу анъанага амал қилиб бу ерга тўпландик. Биз мезбон бўлиб меҳмонларимизга жон дилимиз билан иззат-ҳурматда бўламиз.

Сўнгра сўзни II «б» синф ўқитувчиси Холисхон опага беради.

Холисхон опа йиғилганларга меҳмон ва унинг кутиб олиниши ҳақида қуйидагиларни гапириб беради.

Халқимиз «Меҳмон олдида мушугингни ҳам пишт дема» нақлига амал қилиб келган. Меҳмонни «Ҳуш келибсиз», «Бош устига» деган сўзлар билан кутиб олиш лозимдир. Уйингизга келган меҳмонни очиқ чехра, ҳуш табассум билан кутиб олиш ҳар бир оила аъзосининг муқаддас бурчидир.

Бу иш барча оила аъзоларининг аҳилликдаги меҳнати туфайли бажарилади.

Агар оиланинг ҳамма аъзолари бир-бирига ўзаро ёрдам бериб, аҳиллик билан меҳмон кутишса, у ҳолда ҳамма иш жойида бўлади. Меҳмон мезбондан хурсанд бўлиб уйига қайтади.

Шундан сўнг Зироат опа «Қани, ким меҳмондўстлик ҳақидаги шеърлардан айтиб беради» деб ўқувчиларга мурожаат этади.

Бир неча ўқувчи ёддан шеърлар ўқиб берадилар:

Ҳосил:

— Бизнинг севган ўйинимиз

Меҳмон—меҳмон.

«Меҳмон» сўзи бизга азиз,

Дўст меҳрибон.

Бўлса тез-тез меҳмон кутиш

Яхши қандай?

Дастурхонда меҳмон сўзи

Туғишгандай...

Шундамикин меҳмонларни

Ҳуш кўрдик.

Уйга меҳмон келмай қолса

Туш кўришлик»¹

Эсон:

— Чиройли конфетларга,

Тўлиб кетди дастурхон.

Яна анча меҳмонлар,

Келишарди биз томон.

Дастурхонга гул ясаб,

Қўйдик турли қоғоздан.

Чой қайнатиб барчага,

Қуйиб бердик оз-оздан...

Яна бир неча шеърлар ўқилгандан кейин ўқитувчи сўзни меҳмонларга беради.

Меҳмонлардан, шу маҳаллада яшовчи қаҳрамон опа Машҳураҳон Рўзиева қуйидагиларни гапириб беради. «Азиз болажонларим, меҳмон бизнинг энг ҳурматли одамимиз ҳисобланади. Агар бизникига меҳмон келса бутун оила аъзоларимиз унинг хизматига тайёр турамиз. Мен овқатга уринсам, набирам Озода менга сабзи-пиёз тўғраб беради, иккинчи набирам Ҳомид гўшт тўғрайди, учинчиси Ҳосил эса сув келтириб, ўчоққа олов ёқиб беради. Шундай қилиб меҳмон учун аталган паловимиз

¹ Шуҳрат «Меҳмон-меҳмон», «Ғунча» журнали, 1966 йил, 1—сон.

тез тайёр бўлади. Чунки биз ҳаммамиз аҳиллик билан бир-биримизга ёрдам бериб ишладик-да. Ҳурматли болалар агар сизлар ҳам уйингизга меҳмон келганда оналарингизга аҳил бўлиб ёрдам берсангиз, у ҳолда меҳмонингизни яхши кутиб олган, унинг кўнглини ҳушнуд қилган бўласиз.

Шундан сўнг ўқитувчи «Қани, ким уйига меҳмон келганда қандай хизмат қилиши ҳақида гапириб беради?», — деб ўқувчиларга мурожаат қилади. Бу саволга бир неча ўқувчи жавоб беради. Қуйида биз баъзи ўқувчиларнинг жавобларидан намуналар келтирамиз:

Улуғбек: — «Бизнинг уйимизга меҳмон келса байрам бўлиб кетади. Биз жуда хурсанд бўламиз. Мен меҳмонни нитизор қилиб қўймаслик учун ойимга ёрдам берман ва укаларимга қарайман».

Шарифа: — «Меҳмон келганда мен дарров қўлига сўв қўйиб, оёқ кийимларини тўғрилаб, унинг чанглирини артиб қўяман».

Вали: — «Бизнинг қўшимизникига меҳмон келса болалари кўчага ўйнагани чиқиб кетишади. Ойини ҳамма ишни ёлғиз ўзлари қийналиб бажарадилар. Уларнинг уйида меҳмон учун таомлар ҳам тез тайёр бўлмайди, — дейишади.

Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар жавобларини умумлаштиради. «Меҳмон кутиш жуда яхши одат меҳмон келганда одам жуда хурсанд бўлади. Меҳмонни кўнгли ниҳоятда нозик. Шунинг учун меҳмонни доимо очик чехра билан кутиб олмоқ лозим. Ҳозир Вали айтганидек, уйга меҳмон келса-ю, болалар ҳамма ишни ойнасига ташлаб кўчага ўйнаш учун чиқиб кетса яхши бўлади-ми? Йўқ, албатта.

Шунинг учун уйимизга меҳмон келганда биз ойимиздадамиз ва укаларимиз билан биргалашиб хизмат қилсак таҳсинларга сазовор бўламиз. Суҳбат охирида ўқитувчи «Болалар, қани ким аҳиллик ва жамоа меҳнати ҳақида мақол ва шеърлардан айтиб беради» — деб ўқувчиларга мурожаат қилади. Ўқувчилар бир оз ўйланиб олишгач, жавоб берадилар.

Қуйида ана шундай жавоблардан намуналар келтирамиз:

- Куч — бирликда.
- Якка отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донги чиқмас.
- Пароканда лашкар ишга ярамас.
- Юзта аҳил аскар — юз минггига бас.

— Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,

Аҳил кишиларга олов ҳам осон.

Юқоридаги каби маҳалла болалари ва ота-оналар биргаликда Қ. Муҳаммадийнинг «Бир майизни қирқ бўлиб еганлар» шеъри асосида ҳам ахлоқий суҳбат ўтказиш мумкин. Қуйида суҳбат ҳақида фикр юритиш.

Суҳбатнинг асосий мақсади:

Ўқувчиларда аҳиллик, ўртоқлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳиссларини тарбиялаш. Қуйида ана шу мавзудаги суҳбатни ўтказиш методикасини баён этамиз.

Суҳбат мазмунини болалар онгига етказиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозимдир:

1. «Бир майизни қирқ бўлиб еганлар» мақолининг келиб чиқиш сабабларини тушунтириш. Бунда ўқитувчи қуйидаги мисраларни ўқиб, унинг мазмунини сўзлаб бериши мумкин. Ўқитувчи:

Бир майизни қирқ бўлиб,
Енг дейишган боболар,
Боболарнинг сўзига
Қизиқишиб болалар,
Қирқ оғайни ҳам бўлдик
Қирқ тану қирқ жон бўлдик.
Бир майизни қирққа бўлдик
Майиз қирққа бўлингач,

Қўзга қўлга илинмас
Боболар қандай бўлган?
Оғзига ҳам билинмас.
Бунга ҳайрон бўлишдик.
Боболар қандай деган
Бунга ўйлаб топайлик,
Мақол мағзин чақайлик.

Ўқувчиларда мақолнинг мағзини ва асл моҳиятини тушунтириш учун келтирилган шеърнинг давомини ўқувчиларга ўқитиб мазмунини сўзлатиш, уни ўқувчилар ҳаёти билан боғлаш керак. Сўнгра ўқитувчи «Бир майизни қирққа бўлиш» мақол эканлигини, бу мақолнинг маъноси ҳаммани бир жону бир тан бўлиб, оғайни, ипоқ, дўст бўлиши, бир-бирини қўллашдан иборат эканлигини тушунтирмоғи лозимдир. Ўқитувчи ўз фикрини қуйидаги шеърини мисрани келтириш билан мустаҳкамлаши мумкин:

Толибни сўзи аъло,
Бир майизни қирқ бўлиш,
Бу эмас майиз бўлиш
Бу бутунлай бошқа иш.
Майизни қирқ тенг бўлиш,
Одам феълини кенг қилиш
Бу катта йўл-йўриқ иш,
Ҳамма бир тенг, дўст бўлиш.
Бекаму бекўст бўлиш,

Оғайни ўртоқ бўлиш.
Бир-бирига ипоқ бўлиш,
Бир-бирини қўллаш.
Бир-бирига ёрдам бериш.
Бир киши минг демоқ
Минг киши бирни демоқ
Ҳамма жону тан бўлмоқ
Олам бир Ватан бўлмоқ.

Ўқитувчи юқоридаги шеърни ўқиб бергач, ўқувчиларга мақоланинг асл мазмуни:

Боболарнинг орзуси,
Бир майизни қирқ бўлиш,
Қирқилмас ўртоқ бўлиш,

эканини алоҳида таъкидлаши ва ўқувчилар ўртасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик, аҳиллик бўлиши лозимлигини ўқитишнинг мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг ўқитувчи суҳбатни мустаҳкамлаш ва болаларда аҳиллик, ҳамжиҳатлик билан бажариладиган меҳнат ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш мақсадида уларга қуйидаги саволларни бериши ўриналидир:

1. Уқилган шеър орқали болалар нима ҳақида фикр юргизишди?
2. Ўтмишда ота-боболаримиз қўллаб келган мақоллар ҳақида қайси ўқувчи тўғри фикр юритди?
3. Боболаримиз қандай яшаганлар. Улар бизларга қандай бўлишни насиҳат қилганлар?
4. Ўртоқ, дўст, аҳил бўлишни қандай тушунасиз?

Болаларда ҳамжиҳатлик ҳисларини шакллантиришга катта ҳисса қўшувчи юқоридаги суҳбатлар маҳсуус тайёргарлик кўриши орқали ўтказилгандагина болалар орасида яхши натижа беради. Талбир катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбек халқининг ўтмиши ва ўз озодалиги учун курашган шахсларнинг ҳаётини йўлларига доир уюштириладиган аҳлоқий суҳбатлар ҳам ўқувчиларда жуда катта таассурот қолдиради.

«Биринчи ўзбек ўқитувчилари», «Файзулла Хўжаевнинг ҳаёт йўли» каби мавзуда ўтказиладиган аҳлоқий суҳбатлар шулар жумласидандир. Бундай мавзуларда уюштириладиган аҳлоқий суҳбатларда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

Суҳбатга доир материалларни ҳамма ўқувчилар биргаликда йиғишлари керак. Бунда ўқувчилар кекса отахонлар билан суҳбат ўтказадилар. Мавзуга доир мақол, дoston ва ҳикояларни ўқиб чиқадилар. Суҳбат мавзусига доир материаллар ясосида жамоа бўлиб альбом, суратли газета чиқариб, бурчаклар ташкил этадилар.

1. Қ. Муҳаммадий «Бир майизни қирқ бўлиб...» «Юлдузча» Еш гвардия набриёти, 1968 йил, 13—14 бетлар.

Ҳашар ва уни ташкил этиш шакллари ўқувчиларда ҳамжиҳатлик ҳисларини тарбиялашда ўзбек халқининг ажойиб анъаналаридан бири бўлган ҳашар муҳим аҳамият касб этади. Ҳашар бевосита жамоа кучи ва меҳнатининг қанчалик улуг эканлигини ҳамда бажариладиган ишнинг самаралилигини кўрсатади.

Воиз Кошифий «Футуввати Султоний» асаридан «Шогирднинг Устоз олдидаги одоби» мавзусидаги суҳбатдан намуна сифатида келтирамиз. Ўқитувчи кириш суҳбатида Воиз Кошифий ҳақида маълумот бериши керак.

Ҳусайн Воиз Кошифий

(... 1505).

Ҳусайн Воиз Кошифий XV асрнинг 30-йилларида Сабзавор вилоятининг Байҳақ туманида туғилган. Болалик ва дастлабки таҳсил йилларини ўз ватанида ўтказган, бўлажак адиб Нишопур ва Машҳад мадрасаларида таҳсил олган. Ўта билимдон, нотик, ваъз айтувчи бўлгани учун у Ҳусайн Воиз Кошифий номи билан шуҳрат қозонган. У 1468 йилда Ҳиротга келиб кўп йиллар давомида Жомий ва Навоийнинг марҳаматидан баҳраманд бўлган. Ҳирот маданий, илмий, адабий ҳаётининг энг фаол вакили даражасига етган Кошифий 1505 йилда Ҳиротда вафот этган.

Ҳусайн Воиз Кошифий нотиклик, адабиётшунослик, фикҳ, илми нужум, тарих, ишро битиш, ҳисоб илми, ўймакорлигу ганчкорлик ва ахлоққа доир 20 дан зиёд рисоалар ёзган. «Искандар ойномаси», «Анвари Суҳайлий», «Жавоҳирнома», Рисола дар илми эъдол» сонлар ҳақида рисола, «Ахлоқи Муҳсиний», «Рисолати хотамна», «Футувватномаи Султоний», «Равзат ушшуҳадб» шодлик боғи номли бадий асарлар яратган ва улар Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрда мактаб, мадраса таълимини яхшилашда, дидактиканинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда дастур сифатида хизмат қилган.

Сўнгра ўқувчилар Воиз Кошифийнинг устоз адиби ҳақидаги фикрлари бирин-кетин баён этилди:

I ўқувчи — Воиз Кошифий деган эдилар:

Агар шогирдликнинг бинноси ниманинг устига қурилади деб сўрасалар, жавоб берилди:—Ирола ва сабр тоқат, нимаики устоз айтса, уни

жон қулоғи билан эшитиб, чин кўнгил билан қабул қилиш, эътиқодли бўлишдир.

II ўқувчи — Воиз Кошифий деган эдилар:

Шогирднинг хизмат биноси нимага қурилади деб сўрасалар, Роҳатни тарк этиб ва заҳмат чекишдир.

III ўқувчи — Воиз Кошифий деган эдилар:

Шогирднинг вазифаларини сўрасалар жавоб бергил:

Тўртта деб:

Мард бўлиб ишга киришиш.

Сидқидилдан хизмат қилиш.

Кўнгил ва тилни бир-бирига мувофиқ тутиш.

Насихатга қулоқ солиш ва устоздан эшитганни ёдда тутиб амал қилиш.

IV ўқувчи — Воиз Кошифий деган эдилар:

Шогирднинг одобни нечта деб сўрасалар жавоб бергил 8 та.

1. Устозга биринчи бўлиб салом бериш.

2. Устоз олдида оз гапириш.

3. Устоз олдида бошни эгиб туриш.

4. Кўзни ҳар томонга югуртирмаслик.

5. Агар савол сўрамоқчи бўлсанг олдин устоздан ижозат сўра.

6. Устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслик.

7. Устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.

8. Утириб туришда ҳурматни тўлиқ сақлаш.

Сўҳбат якунида ўқитувчи ўқувчиларни Воиз Кошифий ўғитларига амал қилишга даъват этади.

Ўйин ва уни ташкил қилиш методикаси

Ривоят қилишларича, қадим замонда Қоқбош — Сўққабош исмли одам бўлган. Унинг фарзадлари бўлмаганлиги, ёлғиз ўзи яшагани учун унга одамлар шундай исм қўйишган. Лекин у ҳаминша қувноқ, очиқ чеҳрали, одамшаванда бўлиб, айниқса, болаларни жон-дилидан севган. Шунингдек, у саводхон, билимдонлиги устига санъатни, ашулаларни яхши кўрган, қадрлаган ва қабиладаги энг ақлли, ҳурматли кишилардан ҳисобланган. Жамоада эркаклар ов билан, аёллар дон-дунларни йиғиштириш, чорва молларини боқиш билан шугулланганлар. Уша даврларда бир қабила билан иккинчи қабила

ўртасида жанжал-низолар кутарилар, турли келишмовчиликлар аёвсиз урушларга айланиб кетарди. Шундай шароитда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш керак бўлар ва қабила аъзолари бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни Қоқбошга топширадилар. У эса болаларни ҳозирги боғча ва яслидаги каби икки гуруҳга ажратиб, овқатлантирган ва уларнинг ёшларига қараб турли ўйинлар ўргатган, эртақ, латифа, термалар айтиб берган, айни чоқда қўшиқлар ҳам айттирган, ўзи ёзган «Ов қўшиғи», «Аждодлар қўшиғи», «Чистони Эликбек» сингари шеър ва масалларни ўргатган.

Ўз-ўзидан аёнки, ана шу тарбиявий ишлар болалар хотирасини ривожлантирган, уларнинг ҳозиржавоб, зеҳнли бўлишларида муҳим аҳамият касб этган. Қоқбош ўзининг ана шу ишлари билан қадимги биринчи—ўқитувчи—ўргатувчи сифатида шуҳрат топган. У айниқса турли ўйинлар орқали болаларни тарбиялашнинг муҳим кўроли деб билган ва улардан унумли фойдаланган. Шулардан бири «Отамбақала Қоқбош» ўйинидир. «Отамбақала» сўзи тарбиячи, мураббий демакдир.

Бу ўйин қатнашувчиларни тенг икки гуруҳга бўлинишдан бошланади. Бунинг учун онабошилар болаларга шундай дейди:

Адашиб келиб, қўш келинг,
Икки-икки жўр келинг.
Янги-янги отлар қўйиб,
Нонни қирқ бўлиб келинг.

Болалар жуф-жуфт бўлиб адашадилар, яъни бир-бирларига «Бўри—Тулки», «Теракка чиққан—Қувлаб тушган», «Қовун-Тарвуз» каби номлар қўядилар, сўнг онабошилар олдига келиб:

Алинг, алинг, бойлар,
Салом, салом бойлар, —
дейдилар, онабошилардан бири:
— Келинг, келинг тойлар,
Сиз яхши тойчалар, —

дейди. Болалар ўзларига қўйилган номларни айтиб кимга ким кераклигини сўрайдилар ва уларни онабошилар галма-галдан танлайдилар. Шу тариқа болаларнинг ҳаммаси икки гуруҳга бўлинади ва иккала гуруҳга ҳам ном берилади, масалан «Айиқлар» ва «Бўрилар» тўдаси деб аталади.

Ўйин иккала тўданинг ўзаро савол-жавоблари билан бошланади. Масалан, «Бўрилар» тўдаси қуёш ҳақидаги

топишмоқни айтиб, «Бу нима» деган саволни берадилар.

«Айиқлар» тўдасидаги болалар бу саволга шундай жавоб берадилар:

Тоғдан тоққа чопган от,
Тўхтаб туриш унга ёт.
Ҳаммага тенг, сеvimли,
Тирикликнинг бадали.

Олти бекат узайиб,
Яна қайтар сусайиб.
Доим ул ёш эмасми?
Оти Қуёш эмасми?

«Айиқлар» тўдасидаги болаларнинг бу жавобларини Қоқбош бадийлиги, ҳаётнийлиги ва мазмун жиҳатидан баҳолайди ва «Гурр» дейди. Қоқбошнинг бу ишораси билан «Бўрилар» тўдасидаги болалар «Айиқлар» тўдаси турган жойга югуриб борадилар, уларнинг устига миниб қайтадилар. Йўлда эса ҳазилашиб «Ҳих, эшагим, ҳих» деб кулишадилар, баъзилари «Ҳой, амаки, авлаганингиз нима?» — деб сўрайдилар.

Савол бериш навбати «Айиқлар» тўдасига ўтади. Улар шундай саволлар берадилар:

Етти қапада етти ғоз, Бир қолипда соз жойлашган.
Еттитаси ўйнар соз. Уни топинг, чироғим,
Одам унга теп-теглашган, Икки лаҳза кутардим.

Ана шу саволга «Бўрилар» тўдасидагилар масалан, қулидагича жавоб қайтарадилар:

Тўртлаб келди еттилик, Ов овлаган, қувишлар.
Ҳар ойда тўрт еттилик. Еттинчиси бир тинимдир,
Олти кун иш-юмушлар, Тиниб-тинчиб бор қўнишлар.

Бош ҳакам Қоқбош «Бўрилар» тўдасининг «Ҳар ойда тўрт еттилик бор, уларнинг олти кун иш кун, еттинчиси тинимдир», деб қайтарган жавобларини юксак баҳолайди. Аммо «Айиқлар» тўдаси билан «Бўрилар» тўдасининг савол-жавоблари ҳар жиҳатдан ўзаро тенг бўлгани учун иккала тўдага «Ора очиқ» баҳоси берилади.

Ҳисса: Бу ўйиндан ўқувчилар ниҳоят мамнун бўладилар. Бу каби ўйинлар ўқувчиларга топқирлик, ўз гуруҳи учун кураш, аҳиллик каби фазилатларни тарбиялайди.

Ўзбек халқ ўйинларидан намуналар

Халқ ўйинлари: 1-синфларда: «Қўзи», «Зағизғон», «Чир айланма», «Ким чаққон» ўйинлари; 2-синфларда: «Рўмол ташлаш», «Учди-учди», «Тугилган рўмол», «Топа пар бўлсанг, топа қол», «Қоч болам, қуш келди» ўйинлари; 3-синфларда: «Чопонқўл», «Соққа ёки тош ташлаш», «Бекинмачоқ», «Жами», «Ғир-ғивон», «Ниманинг пати» ўйинлари; 4-синфларда: «Учгали тўптош», «Чавари», «Дурра», «Чори патак», «Косагул бўлай», «Ур тўқмоқ», «Оқ теракми, кўк терак», «Арқон тушиш» ўйинлари ўйналади.

«Зағизғон» ўйини ҳақида

Ўйиннинг тавсифи: Иккита ўқувчи «Зағизғон» ролини бажаради. Улар хонанинг бир бурчагида турадилар. Қолган болалар майдон (хона) ўртасида қўл ушлашиб доира ҳосил қиладилар. Улар бир талай ўйинчоқларни тарифлайдилар. Ҳамма болалар баробар қуйидаги шеърни айтиб, шеър оҳангига мослаб оҳиета пружинасимон ҳаракат қилиб, чўққайиб ўтирадилар.

Зағизғон тушиб боққа,
Чанг солди ўйинчоққа.
Кейин чаққон зағизғон,
Учди, кетди тоққа.

Шеърнинг биринчи ва иккинчи сатрлари айтилаётганда болалар бурчакдан сакраб ўйинчоқларга яқинлашадилар. «Зағизғон»лар шеърдаги сўзлар оҳангига мослаб сакрашлари лозим. Учинчи ва тўртинчи сатрлар айтилаётганда, зағизғонлар бошларини доира ичига енгилгина эгиб, ҳақкалаб юрадилар ва «қапот» ёзиб «учиб кетадилар». Болалар уларни ушлашади. Қўлга тушган «Зағизғон» ролини бажаради.

Тарбиячи Зағизғонни тутуш пайтида тартибсизлик бўлмаслиги учун тутувчи болаларни олдиндан айтиб қўяди ҳамда исмини айтилган болаларгина Зағизғонни тутуш учун донрадан югуриб чиқадилар. Ўйиннинг ҳар бир такрорланишида янги «Зағизғон» лар сайланади.

Ўйиннинг мақсади. Болаларнинг доира ҳосил қилиб юриш ҳаракатларини мустаҳкамлаш ва ўйин элементларини аниқ, тўғри бажаришга, ишюрага риоя қилишга одатлантириш, сўзларни талаффуз қилишни ўргатиш.

«Чир айланма» ўйини ҳақида

Ўйиннинг тавсифи. Ўйинни бошловчи санаш орқали сайланади. «Етти» сўзи кимга тушса, ўша бола ўйинни бошловчи бўлади.

Чир айланган коптогим,
Гир айланган коптогим.
Чир-чир айланиб кетди,
Ҳисобим сенга етди.

Бошловчи бола коптокни ўнг қўлига олиб, уради ва шу пайтнинг ўзида гир айланиб олади. Копток ердан юқорига чиққанда, яъни бола бўйига етганда, у яна коптокни кафти билан қаттиқ уради ва яна айланади, Бундай айланишлар бир неча машқлардан сўнг, 1—2 мартадан 10—15 мартагача бетўхтов давом этиши, айланиш эса бундан ортиқ бўлиши мумкин. Бола айланаётганда атрофидаги ўйин иштирокчилари овоз чиқариб, биров, икков, учов дея санай бошлайдилар. Бундай санашларнинг сабаби шундаки, 1—2 айланишлар 5—6 га нисбатан секинроқ бўлади, кейинги айланишларда болаларда кўникма ҳосил бўлади. Шу сабабли қолган айланишлар тезроқ ва чаққонроқ ўтади.

Бола айланаётганда битта нуқтани назарда тутиб туришга ҳаракат қилади, у ҳам бўлса, копток бўлади. Агар бола айланиш вақтида коптокни тута олмаса, ютқизган ҳисобланади. Бола бир неча марта айлангандан сўнг коптекини илиб олиши ва бироз вақтдан кейин ўйинни давом эттириши мумкин.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти. Бу ўйин болаларнинг оёқ ва қўл мускуллари ҳаракатларини чаққонлаштириш, санаш қобилиятларини мустаҳкамлашга қаратилган.

«Рўмол ташлаш» ўйини ҳақида

Ўйиннинг таснифи. Онабони болаларни айлана бўйлаб ўтқазди-да, улардан бирининг қўлига рўмол беради. Рўмолни олган бола болалар орасида айланиб юриб, билдирмасдан биттасининг орқасига ташлаб кетади. Рўмол ташлаган бола бир айланиб келгунча орқада рўмол ётганини сезмаган ўртоғини ўртага чақиради. У болаларнинг хоҳишига кўра ашула ёки шеърми айтиб беради. Агар бола орқасига рўмол ташлаганини билиб

қолса, рўмол ташлаб кетган болани тез қувиб етиб, унга рўмолни бериб, ўзи ўрнига келиб ўтиришга ҳаракат қилади. Агар қувиб етолмаса ўйинни давом эттиради.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти. Ўйин болаларни зийракликка, чаққонликка ўргатади.

«Тугилган рўмол» ўйини ҳақида

Ўйиннинг тавсифи: Онабоши болаларни ёнига йиғиб олиб, қўлидаги рўмолни биттасига ушлатади. У «бир», «икки», «уч» деб бақирганида, ўйинчилар ҳар томонга қочиб кетадилар. Онабоши қувиб етиб қолган вақтда у қўлидаги рўмолни бошқа бир болага улоқтириши керак. Рўмолни илиб олган бола онабошига етказмаслиги керак. Ушланган бола ўйновчиларнинг қўйган шартини бажаради.—У онабошини алмаштиради. Кейин ўйин даво этаверади.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти: Болаларни чаққонликка, кўз билан тўғри мўлжаллашга ўргатади.

«Топар бўлсанг, топа қол» ўйини ҳақида

Ўйиннинг тавсифи: Ўйин кўпчилик бўлиб ўйналади. Болалар доира бўйлаб турадилар. Топувчи ўртада бўлади. Болалар тугмага ўхшаган бирор нарсани қўлмақўл орқадан узатадилар ва улардан бири ўзида олиб қолади (беркитади). Ўртадаги бола уларни кузатиб туриб, бирор боладан гумон қилади.

— Тугма Валида! — дейди. У то шу сўзни айтгунча болалар хор бўлиб:

— Топар бўлсанг, топа қол,

Топар бўлсанг, топа қол,

Тополмасанг, қола қол! —

деб айтиб турадилар. Тугма ҳалиги болада бўлса, кўрсатиши керак. Демак, у ўртага тушади, тополмаса, бирор вазифани бажариб бериши керак.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти: Ўйин болаларни кузатувчан, зийрак бўлишга ўргатади.

«Чопонкўл» ўйини ҳақида

Ўйинга тайёрланиш: Ўйинда иштирок этувчи ҳамма болалар доира бўйлаб, чордона қуриб ўтирадилар. Бу ўйин учун доира ичида қўлдан-қўлга ўтказиладиган тахланган (букланган) чопон ёки рангли тўп керак бўлади.

Ўйиннинг тавсифи: Онабоши доиранинг ташқарисида югуриб юради ва чопон қўшнига узатилаётган пайтда ушлаб олишга ёки қўл теккизишга интилади. Чопон ушлаб олиниши ёки унга қўл тегиши билан айбдор ўйинчи онабошининг ўрнига бориб, туради, онабоши эса доирадагилар қаторига бориб ўтиради ва ўйин давом этади. Айбдорни ўқитувчи аниқлайди.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти: Бу ўйин болаларни чаққонликка, зийракликка, тез ҳаракат қилишга ўргатади.

«Соққа ёки тош ташлаш» ўйини ҳақида

Ўйинга тайёрланиш. Майдонга чизик тортилиб, ўйновчилар чизикнинг орқасида турадилар. Ҳар бир болада учтадан соққа (шарча) бўлади. Ўйинни ким бошлаши чек ташлаш билан аниқланади.

Ўйиннинг тавсифи. Бошловчи иккала соққани белгиланган чизик орқасида туриб, 3—4 метр масофага ташлайди. Иккинчи ўйинчи ўзининг иккала соққасини олиб, олдинги икки соққага теккизишга ҳаракат қилади. Агар бир соққага теккизса, бир ютуқ, иккаласига теккизса, икки ютуқ олади. Агар теккиза олмаса, унинг соққаларини ҳам майдонда қолади. Маълум вақт ичида энг кўп ютуқ олган бола ғолиб чиқади.

«Ниманинг пати?» ўйини ҳақида

Ўйинга тайёрланиш. Ўйин спорт зали, майдони ёки майсазорда ўтказилиши мумкин. Ўйновчилар доира ҳосил қилиб ўтирадилар. Ўйин раҳбари ўртада туради.

Ўйиннинг тавсифи. Раҳбар болаларга кетма-кет «Ниманинг пати?» деб савол бераверади. Болалар жавоб қайтариб (ўрдакички, қарғанички, бургутники дейдилар) ва ҳар гал ҳар хил қўшнинг номини айтадилар. Ўйин шу тариқа давом этаверади.

Агар бирор бола илгарини айтилган қўшнинг номини такрорласа, раҳбарнинг илтимосини бажаради, (қўшик айтади, ўйинга тушади, шеър айтиб беради ва ҳоказо). Кейин ўйин янгидан бошланади.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти: Бу ўйин болаларни зийрак, ҳозиржавоб, идрокли қилади ва кўпроқ қўшларнинг номини билиб олишга ўргатади.

«Учтали тўптош» ўйини ҳақида

Қизлар тўптош учун катталиги данакдек қиррадор (қавариқ) оқ, қизил, кўк — ранги чиройли тошларни

йиғадилар. Бундай тошлар ҳар бир ўйинчининг қўлида бўлади. Ўйин бошланишидан олдин қизларнинг бири қўлига битта тошни яшириб, дугонасига: «Тош қайси қўлимда, топинг» дейди. Дугонаси тошни топса, ўйинни бошлайди, тополмаса, тош яширган қиз бошлайди. Ўйинда муқаддима тариқасида «Отам овлар овлайди» байтини тош ўйнаб туриб айтилади.

Отам овлар овлайди,
Говмуш қўйлар ҳовлайди.
Онам териб боронлар,
Оқшом келар одамлар.
Чайла, капа, унгурлар,
Қурол ясар акамлар.
Чўпак эшиб эшикни,
Беркитади тешикни.

Катта-кичик акамлар,
Найза, қалқон, ошамлар.
Биз ўйнаймиз, тўптошлар,
Бекинмачоқ, қувлашлар.
Боста, капто зувлашлар,
Гоҳ ҳаккалаб қувлашлар.
Энди ўйин бошлаймиз,
Учта тошни ташлаймиз.

Ривоятларга кўра, учта тўптошни биринчи бўлиб ўйнаган, асос солган юз қабиласига мансуб Зебихон деган сулув қиз бўлган. У жангда ҳар қандай марддан устунлик қилган. Найзабозлик, тортишмачоқда зўрларни енгган. Тўптош ўйинлари: «Эй тош», «Ботмон-ботмон» талаби, «Ҳаккалакам» шарти, «Ўқмоқ-тўқмоқ яламалар», «Тегулим-термагулим», «Учмак» талаби, «Битта толнинг кўпаги», «Эрта ёз мақтовлари» лапар, «Зебихон байти», «Ҳаккалакам» шеъри, дугоналарнинг қочирма ҳазиллари, «Карра-карра» шеърлари билан «Учтали тўптош» ниҳоясига етади. Мазкур ўйинда 6 та талаб шартлар, 6 та лапар, шеърлар бор.

Қиз ўйинни бошлашда учта тошни ўнг қўлининг олд, орқасига «Ҳар гулим» деб уч марта ўгиради. Тошлар ерга тушмаса, ўйинни давом эттиради. Битта тош тушиб кетса, ўйинни дугонаси бошлайди. Бу ўйиннинг соққаси учта тошдир. Яна «Бирам ёш, иккам ёш, учам ёш» сўзлари такрорланади. Бу тартибни амалда кўринг:

«Эй ёш» талаби

Эй ёш, бирам ёш, ёш.

Иккам ёш, учам ёш.

Бу сўзлар тошларни ўйнаб туриб айтилади. Бир тош осмонга ирғитилиб, иккинчиси олиниб, учинчи ирғитишда ҳал бўлади.

«Ботмон-ботмон» талаби

Ўйинда соққа тош осмонга ирғитилиб, ерга тушгунча, сўзлари айтилади, ушланади:

Ботмон-ботмон
бормон-ботмон.
Ботмон-ботмон.
Ботмо—ботмон

бормон—ботмон.
Ботмон—ботмон,
Ботмон—пучта.

«Ҳаққалакам» шари

Бу талаб бўйича қиз тошни қўлига ташлаб, биттасини олиб, осмонга иргитади. У тош ерга тушгунча ўнг қўлини бир ўпади, баъзилари ялаб олади, яламалар дейишни ана шундан келиб чиққан. Тошлар навбат билан уч марта осмонга иргитилиб, қўлга олиниб, қўидаги шеърни мисралар 6 марта такрорланади:

Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар битта,
Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар икки.
Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар учта,
Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар тўртта.
Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар бешта,
Ўқмоқ-тўқмоқ, яламалар олти
Олтида қолсам, бериш йўқ.

«Тергулим—термагулим» шари

Мазкур ўйинда соққа тош навбат билан уч марта осмонга иргитилиб, «Ўқмоқ-тўқмоқ яламалар» шари каби бажарилса ҳам, буида ўйинчи аввал пешонасини силайди, сўнг қўлини ўпади, ердаги иккита тош бир гал ердан супуриб олинса, иккинчи навбатда ердан териб олинади. Соққа тош осмондан тушгунчалик вақт ичида ердан териб олиш осон эмас, албатта. Тошлар супуриб олинганда ҳам, териб олинганда ҳам «тергулим», «супургулим» сўзлари такрорланади:

Тергулим, термагулим, битта-битта,
Супургулим, супурмагулим, икки,
Тергулим, термагулим учта-учта.
Супургулим, супурмагулим тўртта,
Тўрттадан қолсам, бермайман ҳеч ўртоқ,
Яна қайтиб сира олмайман, ўртоқ.

«Арқон тушиш»

Ўйиннинг тавсифи. Ўйновчилар айлана бўйлаб тургандан кейин қўлида арқони бор ўйин бошловчи ўртага чиқиб: «Ўйин бошладим», — дейди. Шундан сўнг арқоннинг тугилган жойидан ушлаб, айлана бўйлаб айлантиради. Ўйновчилар сакраб туриб, арқонни оёқларининг

тагидан ўтказиб юборади. Кимда-ким арқонни ўтказа олмай, оёғини тегизиб олса, айбини бўйнига олади. Енгилган ҳисобланади. Кўпчилиكنинг хоҳишига кўра ўртага чиқиб, ҳунар кўрсатади ҳамда ўйин бошловчи билан ўрин алмаштиради.

«Кўзи» ўйини ҳақида

Ўйинга тайёрланиш. Ўқувчиларга кўзи ҳақида озгина маълумот бериш (суҳбат тарзида).

Ўйиннинг савсифи. Ўйинчилар икки тўпга бўлиниб, бир-бирига қарама-қарши ўтирадилар. Ўйинни олиб борувчи икки бола танланади. Уларнинг бири иккинчисининг олдига келиб:

Етгунча сенга,
Суруниб йўлда,
Қайта-қайта йиқилса бер деб,
Ёрдамлаш менга
Ўргансин қўлга,
Бир кўзининг сўраб келдим, —

дейди.

Иккинчи ўйинни олиб борувчи: «Хоҳлаганингни ол» — дейди. Биринчи бола биттасини танлаб олади-да, кўзини боғлайди. Ўз гуруҳидан битта ўйинчини чақиради: У келиб: «Ма-а-а», деб овоз беради-да, тез ўрнига бориб ўтиради. Агар кўзи боғланган бола унинг ким эканини топса, овоз берган бола қарши гуруҳ томонга ўтади, топмаса ўзи қарши гуруҳ томонга ўтади.

Ўйиннинг тарбиявий аҳамияти: Ўқувчини сезгирлигини оширади, эшитиш қобилиятини ўстиради, тез ҳаракат қилишга ўргатади. Ўйиннинг бола тарбиясидаги аҳамиятини тушуниш. Ўқувчилар жамоасини яхши билиш, ўйин жараёнини диққат билан кузатиш асосида ўйинларга раҳбарлик қилиш ҳамма тарбиячилар учун муҳим аҳамият касб этади. Лекин болаларнинг ўйинларини ташкил этиш, бошқариш, жиҳозлаш ва ҳоказолар ҳали ҳам барча методистлар ва тарбиячиларнинг диққат марказида тураётгани йўқ.

Биз қуйида болалар ўйинларининг таълим-тарбиядаги улкан аҳамиятини илғор иш тажрибалар асосида илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва кенгроқ ёритиш, ўқитувчи-тарбиячилар учун тегиншли йўл-йўриқлар, тавсиялар баён этишимиз ва бу орқали ишнинг сифати ва са-

марадорлигини яхшилашга бевосита ёрдам беради деган умиддамиз.

Халқ ўйинларидан фойдаланиш тажрибалари

Тошкент шаҳридаги 254-мактабнинг 3-синф ўқитувчиси Мактуба опа гуруҳларнинг ўйин соатларини мактабга яқин жойдаги ҳиёбон, боғ ёки майсазорларда саёҳат тарзида ўтказиш мумкин ва фойдали деб ҳисоблайди. Унинг бундан асосий мақсади бошланғич синф ўқувчиларида табиатга муҳаббат, дўстлик, чаққонлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик каби фазилатларни шакллантиришдир. Ана шундай саёҳатларга чиқиш учун олдиндан тайёргарлик кўриб, ўқувчиларни 6—8 кишилик гуруҳларга бўлади ва ҳар бир гуруҳга бошлиқ белгилаб, уларга ўқув йилининг охиригача шу ҳолатни ўзгартирмай ўйинларни давом эттиришни топширади. Бундай ўйин-саёҳатларни ўқув йилининг биринчи кунларидан бошлайди. Қиш вақтларида коньки, чанғи, чаналардан фойдаланади. Саёҳат давомида ўқувчилар билан табиат қўйнида турли ўйинлар ўтказилади. Ўйинларни бошлашдан олдин ўқувчилар билан қуйидагича суҳбат ўтказилади.

— Ҳозир йилнинг қайси фасли?

— Баҳор.

— Баҳорда табиат қандай ўзгаради?

— Кунлар исийди, қушлар кела бошлайди.

— Қалдирғоч, лайлаклар.

— Тўғри, болалар. Шундай экан, бугун сизлар билан «Учди, учди» ўйинини ўйнаймиз. Сўнг ўйиннинг шартларини батафсил тушунтиради ва ўйин бошланади.

Мактуба опа ҳар қандай ўйинни моҳирлик билан ташкил этади ва қизиқарли йўсинда ўтказилади. У «Овчилар ва қуёнлар» ўйинини қуйидагича ўтказилади.

Тарбиячи: — Болалар, биз ҳозир «Овчилар ва қуёнлар» ўйинини ўйнаймиз. Мен сизларга унинг қандай ўйналишини тушунтираман, аввал сизлар менинг саволларимга жавоб беринг:

— Овчи дегани ким?

— Овчи — қушлар ва ҳайвонларни овлайдиган киши.

— Тўғри. Овчи уларни нима билан овлайди?

— Овчи милтиқ билан отади.

— Тўғри, милтиқ билан отади. Биз эса бу ўйинда милтиқ билан эмас, мана бундай қоғозчалар билан отамиз.

Тарбиячи ўйин қондасини қисқа ва раво қилиб ту-

шунтирди. Бир бола овчи, қолганлар «Қуён» бўлишини, овчи уйида пойлаб туришини, қуёнлар ўринларидан туриб, сакраб-ўйнаб, Овчининг уйига яқинлашини, Овчи уларни кўргач қоғозчалар билан ота бошлашини айтди. Шу вақт «Қуён»лар қочиб кетишларини, овчи отган қоғозчалари теккан бола, яъни «Қуён» Овчи билан унинг уйига боришини, қуёнлар тез югуриши кераклигини, қоғозча теккан болалар жим туришлари, бошқа қуёнлар тез югуриб, қоғозчаларни теккизмасликка ҳаракат қилиши кераклигини уқтирди. Уйин яхши бошланди. У такрорланганда биринчи марта фаол қатнашган бир бола овчи қилиб белгиланди.

Тарбиячи ўйин давомида овчининг «Қуён»ларга қоғозчаларни тўғри отишини, «Қуён»ларнинг бақириб-чақирмай бир-бирига урилмай, тартиб сақлашини, ўйинда барча ўқувчиларнинг фаоллигини кузатди.

Мактуба опа илгари ўқувчилар таниш бўлган «Қўзичоқ ва бўри» эртагини эса тушириш ва мустақкамлаш учун «Оқсоқ бўри ва қўйлар» ўйинини уюштиради. Уйинда 2 та гуруҳ қатнашади. Гуруҳларнинг номи чек танлаш йўли билан танланади. Бунда 1-гуруҳ «Қўй»лар, 2-гуруҳ «Бўри»лар деб аталади. «Қўй»лар гуруҳи, диаметри 8—10 м доира ўртасидан ўтказилган чизиқнинг чап томонига, «Бўри»лар гуруҳи эса чизиқнинг ўнг томонига жойлашади. «Қўй»лар ва «Бўри»лар гуруҳидан биттадан ўйинчи доиранинг ўртасига тушади. Тарбиячининг ишораси билан «Оқсоқ Бўри»лар гуруҳининг қатнашчиси доира ичидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлмаган «Қўй»лар гуруҳининг вакилини якка оёқда сакраб юриб, бир дақиқада ушлаши лозим. Агар ушлай олмаса, иккинчи, учинчи ва ҳоказо рақамли ўйинчилар доира ўртасига тушади. Улар «Оқсоқ Бўри»лар гуруҳининг қатнашчисини ушласалар, ўйновчилар вазибаларини алмашадилар.

Бунда тарбиячи ўқувчиларга агар «Оқсоқ бўри»лар гуруҳининг қатнашчиси бир оёқда сакраб юрганида иккинчи оёғини ерга теккизиб юборса, ўйин тўхталиши ва уни гуруҳнинг бошқа иштирокчиси билан алмаштирилишини тушунтиради.

«Ким чаққон?» ўйини ҳақида

Бу ўйинни кенгроқ жойда ўтказилади. Унда 10—15 бола қатнашиши мумкин.

Майдоннинг бир четига тўғри чизиқ, ўртасига эса 2х1 метрли тўртбурчак чизилади. Бошловчи тўртбурчак

ничида туради. Қолган болалар ўнг ва сўл томондаги чизиклар бўйлаб саф тортадилар. Бошловчи қўлидаги коптокни кучи етганича узоққа отади. Бошқалар коптокни ушлаб, тўртбурчакка олиб келишлари керак. Коптокни олиб кетаётган болага (туртиш мумкин эмас) қўл теккизиш кифоя. Қўл теккач, у ўзидаги коптокни улоқтиради. Уни истаган бола олиб яна тўртбурчакка югуради. Ким йўлда қўлга тушмай тўртбурчакка етиб келса, ўша бошловчи бўлади. Ўйин шу тарзда давом этади.

Эрталик байрамларининг ўтказишга педагогик талаблар

1. Эрталикларни ўтказишдан олдин талаблар руҳияти, қизиқишни уйғота билишда ўқитувчининг тадбиркорлиги лозим бўлади.
2. Эрталик сценариясини тузганда ўқувчилар жамоасининг тарбияланган даражасини ҳисобга олиш лозим.
3. Эрталик байрамини режалашда синфдаги ҳамма ўқувчи маълум топшириққа эга бўлиши керак.
4. Эрталик байрамида иштирок этадиган талабларни руҳлантириш эрталик байрамлари турли-туман шаклларда ўтказилиши мумкин:
 - учрашувли эрталиклар;
 - эртали эрталиклар;
 - мавсумий эрталиклар;
 - боболардан болаларга эрталиклари ва бошқалар.

Эрталик байрамларининг ташкил қилиш методикаси

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар баркамоллигини тарбиялашда эрталик байрамлари муҳим аҳамият касб этади. Эрталик — бу болаларнинг ёши, руҳий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолатда эрталабки соатларда ўтказиладиганлиги учун уни эрталик деймиз.

Эрталик байрамларини ташкил қилишнинг тартиби:

1. Мавзунинг долзарблиги.
2. Мавзунинг мазмунини режалаштириш.
3. Мавзунинг мақсади: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи.
4. Эрталик ўтказиш учун жиҳозлар.
5. Эрталик олдидан унинг тартиботини ёзиш (халқ оғзаки ижодиётидан, болалар ёзувчилари ижодидан намуналар келтириб, лапар — қўшиқлардан фойдаланган ҳолда)

Тошкент шаҳридаги 121 мактабнинг илғор бошланғич

синф ўқитувчиси Рихси Юнусова «Яшайвер китоб» мавзудаги эрталикни Қ. Муҳаммадийнинг қуйидаги шеърини ўқиш билан бошлади:

Жовонда чуғур-чувур,
Китоблар овоз қилар.
Қим онг-билим кўкида
Лочиндек парвоз қилар?
Келсин деб қанот қоқиб,
Яшиндайн учирай.
Кўксин очсин ўзимда
Борин унга кўчирай.
Китоб дер қадримизни
Англаган ўқиб қолсин.
Олтин ёшлик ўтмайини
Оламни ўқиб олсин.
Дунё нима билсин у,
Сайр қилдирай бир бошдан.

Истаса гул ундирай
Саҳрода сариқ тошдан.
Дарёлар тубин қучиб,
Ургатай ғоввосликни,
Гагарин ҳам бизлардан
Ўқиган шоввозликни.
Китобни севиб ҳамма,
Ўқисин ҳеч тўймайин.
Бобомиз қўлдан қўймасин.
Жовонда чувур-чувур,
Китоблар овоз қилар.
Варақлари оқ каптар —
Мисоли парвоз қилар.

Кейин шундай дейди: «Азиз болалар! Биз китобларни ўқиб билим оламиз, ақл ўрганамиз.

Бизга йўл-йўриқ берувчи, онгимизни пешловчи, донолик сари йўлловчи китобларни яхши сақлашимиз, асраб ва авайлаб улардан тўғри фойдаланишимиз лозим. Аммо орамизда китобларни йиртиб, ифлос қилиб, ғижимлаб ташлайдиган болалар ҳам йўқ эмас.

Шундай болалардан хафа бўлган китобнинг «доди»ни биласиз:

Бирдан парта тагидан,
Арз этар йиртиқ китоб.
Емон бола қўлида
Эзилиб бўлдим бетоб.

Танларим яра-чақа,
Муқовам қайда қолган?
Юзим-кўзим кир ва доғ
Варақларим йўқолган.

Ана кўрдингизми? Еқимсиз болалар қўлида китоблар ҳам абгор бўлар экан. Шунинг учун бундай болаларга: «Китобни йиртманг! Уни ифлос қилманг! Китобни яхши сақланг!», — деймиз.

Китобларни яхши сақлаш, унинг умрини узайтириш ўзимизнинг қўлимизда. Йиртилса елимлаб, кир бўлса тозалаб, эҳтиётлаб сақлашимиз керак!

Китоб меҳри-муҳаббати
Мустаҳкам жо дилимизда,
Унинг умрин узайтириш,
Ўзимизнинг қўлимизда.

Ўқиб бўлган дарсликларни
Берамиз кутубхонага
Чунки улар яна зарур
Биздан кичик болага.

Демак, китоб умрин узоқ Ана шундай эҳтиёткор
Этмоқ ҳам ўз қўлимизда. Ажойиб боламизда.

Шундан сўнг қўшиқ ва «Бари гал» мусиқасига рақс
ижро этилди. Кейин ўқитувчи сўзини давом эттирди:

Китобим қўлимда	Китобим ажойиб,
Қаранглар, қаранглар.	Жуда кўп шеърни бор.
Ўқисам сўзлари	Энг яхши одоблар
Тилимда жаранглар.	Езилган ери бор.
Китобим қўлимда	Китобим қўлимда
Маъноси кўнглимда.	Маъноси кўнглимда.

Битта китоб тайёр бўлгунча қанча кишилар меҳнати
сарф бўлишини биласизми?

Китобни тайёрлаш учун қоғоз, елим, ип керак бўла-
ди. Муаллифлар китобни ёзадилар. Босмахонада қан-
чадан-қанча кишилар ишлайдн. Улар бизга китобни
тайёрлаб берадилар. Жуда кўп меҳнат ва қийинчилик-
лар эвазига етиб келган китоблардан эҳтиёт бўлиб
фойдаланиш лозим.

Алишер Навоийнинг «Ёшлигида отаси билан бўл-
ган суҳбати»ни икки ўқувчи ижро этди.

Отаси: Ҳа, бул ерга ёшуруниб олиб не қиладур десам,
китоб кўраётган эканлар-да.

Алишер: Дада, мана бул суратни кўринг. . .

Отаси: Бул китобнинг жойи тоқчада. Аммо сиз бу ки-
тобни кўрмоққа ёшлик қиладурсиз, йиртиб қўйсангиз,
яхши бўлмас. Ани икки қўй баҳосига олганмен.

Алишер: Мен китобни йиртмаймен, аввайлаб кўраман.

Отаси: Ақлли боласиз-да. Тентак болаларгина қўллари-
га тушган китобларни пора-пора қиладурлар.

«Тановар» рақси ижро этилди. Шундан сўнг бир
ўқувчи ушбу шеърни парчани ўқиди.

.. I ўқувчи:

Мен китобман	Доғ туширма юзимга
Сенинг ўртоғинг!	Сен доғлардан сақлагин!
Ўқувчи! Керак мени	Эсда, тут, мен сенинг
Эҳтиёт қилмоғинг!	Жуда яхши дўстингман.
Менинг озода бетим	Варақларим йиртмагин
Еқимлидир ҳаминша.	Донм сенга керакман.

«Дилҳиरोж» рақси ижро этилди.

Иккинчи ўқувчи қуйидаги шеърни ўқиди.

II ўқувчи:

Китоб ўзинг энг яқин —
Уртоғим бўлиб қолдинг.
Бутун меҳру севгимни
Фикри-ёдимни олдинг.

Қадрдон бўлиб қолдинг
Кўрдим сенда бахтимни.
Сен бор жойда беҳуда
Ўтказмайман вақтимни.

Ҳамма: —

Китобни биз сақлаймиз,
Тоза ва йиртмай.

Дог тегизмай бетига,
Ўқиймиз гижим қилмай.

«Китоб менинг дўстимсан» қўшиғи ижро этилади.

Еш ўйноқи кўзларим
Шуур олар китобдан.
Ташкил топиб сўзларим,
Бахтим кулар китобдан.
Шунинг учун дейманки:
Китоб менинг дўстимсан.

Сени жондан севаман,
Мени тилга ўргатдинг.
Ҳады қилиб илм-фан,
Еруғ йўллар кўрсатдинг.
Шунинг учун дейманки.
Китоб менинг дўстимсан.

«Андижонча» рақс ижро этилади.

«Бойчечакнинг очилиши» мавзусида эрталик Ўтказиш методикаси

Эрталик ўтказишдан мақсад:

- Ўқувчиларни жамоатчиликка, зийракликка, одобликка ўргатиш.
- Уларда ижрочилик кўникмасини шакллантириш.
- Уларга байрам маросимларини тантанали ўтказишни ўргатиш.

Эрталикка тайёрланиш. Ўқувчиларга Бойчечак ҳақидаги шеър ва қўшиқлар ўрганиш учун тарқатилади.

Жиҳозлаш: Синф баҳорнинг илк элчилари — қоғоздан ишланган Бойчечак, Бинафша, Лола каби гуллар билан безатилади.

Эрталик «Бойчечак» қўшиғи билан бошланди:

I ўқувчи:

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.

Айронингдан бермасанг
Қозон-товоғинг вайрондир.

II ўқувчи:

Қаттиқ ердан қатлаб чиққан бойчечак.
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар, Қилнч билан чопдилар,
Тутёғочга осдилар. Бахмал билан ёпдилар.
Қаттиқ ердан қатлаб чиққан бойчечак.
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Жарчи: —
Одамлару одамлар,
Эшитмадим деманглар!
Эшитганлар қолманглар...
Баҳор элчиси бойчечак очилибди-е-е! !
Ҳаммага ҳайқирамиз.
Барчани чақирамиз.
Югуринглар, елинглар
Бойчечак тергани борамиз ҳо-ҳо . . .

Ўқувчилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб бойчечак тера бошлай-
дилар. Қўлларинда қоғоздан ясалган бойчечакларни кў-
тариб саҳнага чиқадилар.

І ўқувчи:
Бойчечагим боласи, Бойчечагим бойланди,
Қулоғида донаси, Қўчама-кўча айланди.
Донасин олай десам, Бойчечагим кўк сомса,
Чиқиб қолди онаси. Чўнтакларга жойланди.

Қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечак.
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак!
Сен бизларнинг тўнғич гўзал қизимиз,
Бизга қараб жилмайсанг-чи, ҳой чечак!

Қўшиқ ижро этилади:

Яккаҳон: Қаттиқ ердан қатраб чиққанбойчечак!
Яккаҳон: Бойчечак! Бойчечак!
Яккаҳон: Юмшоқ ердан югуриб чиққан бойчечак!
Яккаҳон: Бойчечак! Бойчечак!
Ҳамма: Бойчечагим ҳиллодир, ҳамён тўла тиллодир.
Ҳамма: Бойчечак! Бойчечак!
Ҳамма: Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозонларинг вайронди.
Ҳамма: Бойчечак! Бойчечак!

Рақс ижро этилади.

II ўқувчи: Бойчечагим бойчечак,
Тердим тўла бир этак.

Бойчечагим аслидир,
Баҳор фаслин васфидир.
Бойчечагим, бойчечак.
Қўлимда кўп бойчечак.
Бойчечагим ҳиллолик,
Ҳамён-ҳамён тиллолик.

Ҳамма бозор бир бозор
Теварак чети лолазор.
Лолазор ҳазон бўлибди,
Бойчечак кўпроқ унибди.
Бала-бала-бўм, бойчечак,
Бала-бала-бўм бойчечак.

Ёқимли куйга рақс ижро этилади.

Бойчечак очилди. Демак, баҳор келди. Баҳорнинг элчиси — бойчечак. Бойчечакнинг очилиши — янгилик. Буни биз байрам қиламиз.

Ўғил болалар «Андижонча» рақсини ижро этадилар.

I ўқувчи:

Чаман-чаман очилур,
Баҳор чоғи бойчечак

Бойчечакни севади
Қизу ўғил, келинчак.

Бойчечак шеърини айтаверсак тугамайди. Бойчечак-элчи, бойчечак—даракчи. Бойчечак — байрам сабабчиси.

Чучмома, бинафша сингарни бойчечак ҳам сеvimли гулимиздир. Биз сеvimли гулимизнинг очилишини байрам қилдик.

II ўқувчи:

Бойчечак чиқибди,
Баҳордан дарак.

Бойчечак тергани
Болалар халак.

III ўқувчи:

Бойчечак очилди,
Байрам бугун.

Омонлик-эсонлик бўлсин
Олам гулларга тўлсин.

Тердим бойчечак,
Яна баҳоргача

Мана бир этак.
Хуш қол, бойчечак.

Рақс ижро этилади.

Эрталик қатнашчилари — Деҳқонбобо, Ҳосилой, Ҳосилбек, Момо ер, Меҳржонлар ҳақида тушунчалар берилади.

«Кузги ҳосил» ҳақида суҳбат ўтказилади. Болалар хаёлан сайрга чиқадилар. Кузги ҳосил билан суҳбатлашадилар. Ўқувчилардан бири «Куз бобо» шеърини ўқиб, мазмунини гапириб беради.

Сўнгра иштирок этган барча ўқувчиларнинг билим-лари баҳоланади.

«Меҳржон байрами» эрталиги ҳақида

Эрталик ўтказишдан мақсад ўқувчиларда «Меҳржон» байрами ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш. Кузги йиғим-терим, об-ҳаво ҳақидаги шеър ва қўшиқларни ўргатиш орқали уларнинг билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш.

Эрталикнинг бориши: Зал куз манзаралари тасвирланган расмлар, кузги барглар билан безатилади. «Ҳосил» кўرғазмаси ташкил қилинган бўлади.

Ўқувчилар мусиқа садоси остида саҳнага чиқадилар. Қизлар қўлларини кузги барглар билан «Барглар» ўйинини ижро этадилар. Бу ўйинда кузда баргларнинг тўкилиши ифодаланади.

Биринчи ўқувчи:

Одамлару одамлар

Боғда битган бодомлар.

Эшитмадим деманглар,

Эшитганлар қолманглар.

Бугун бизнинг мактабимизда «Меҳржон» байрами бўляпти.

О-о-ҳо, ҳо, ҳо.

Ҳаммамиз ҳайқирамиз.

Байрамга чақирамиз.

Тезроқ-тезроқ келинглар,

Югуринглар, елинглар,

Байрамга кеч қолманглар!

Эҳе-ҳе, ҳа-ҳа!!!

Бугун бизда шодиёна

Бу — кузимиз байрами,

Баракали тўкин куз,

Меҳржоним байрам.

Улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг айтишларича «Меҳржон байрами» қадим-қадимдан кузакда нишонлаб келинган. Куз бизга ўз инъомлари, меҳр-оқибати, саховати билан меҳр ва жон ато қилган. Шунинг учун бу байрам «Меҳржон» деб аталган. «Ҳо, ялло» қўшиғи ижро этилади.

Бу қўшиқни хор айтади ва икки ўқувчи рақсга тушади:

Ҳо ялло, ялло, ялло

Ҳозир йиғимга палла.

Ҳосилни аъло йиғиб,

Куйлаймиз биз баралло.

Ҳо ялло, ялло, ялло

Ҳозир йиғимга палла.

Ҳосилимиз мўл бўлсин,

Хирмон ҳосилга тўлсин.

Элимиз дастурхони
Нозу-неъматга тўлсин.
Ҳо ялло, ялло, ялло,
Ҳозир йиғимга палла.
Иккинчи ўқувчи:
Фир-фир шамол елади,
Буни ҳамма биледи.
Ўгиради элга юз.
Марҳамат, кел олтин куз!
Мактаб борар ўғил-қиз,

Қўлда китоб ҳамда гул.
Ҳосил оқар даладан,
Тонг ёришган палладан.
Қуёш тушар тафтидан,
Қўрқиб қишнинг қаҳридан.
Сарғаяди кўкатлар,
Барг тўкади дарахтлар.
Ҳосил йиғиб олинар
Қишга замин солинар.

«Куз» қўшиғи айтилади.

Куз келди бизларга олтинкосада,
Шарбат ола келди, бол ола келди,
Шарбат ола келди, бол ола келди.
Сават-сават қилиб ширин мевалар,
Омборлар лиқ тўла дон ола келди.
Кенг водийлар билан бир, дала билан бир,
Ҳосил ола келди, жон ола келди.

Учинчи ўқувчи: Куз — йиғим-терим даври. Ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай, йиғиб олинадиган фаслди.

Полизлардан қовунлар, тарвузлар, далалардан дондунлар, боғлардан мева-чевалар, пайкаллардан пахталар йиғилиб, омборларга тўпланеди.

Боққа кирдим, шафтоли узум,
Шарбатларга тўлиб пишибди.
Олтин нашватилар, ёқут олмалар,
Узилиб тагига тушибди.
Қўзивойлар пуштасига,
Сигмай секин юмалайди.
Кўкдан ёғиб хаёт суви,
Майингина шивалайди.

Ҳар муюшда тўп-тўп хирмон
Тоғ-тоғ бўлиб уюлади.
Машинналаб омборларга
Куз ҳосили йиғилади.

«Пахта» рақси ижро этилади. (Пахталарни экишдан очилгуича ўтадиган давр акс эттирилади. Механизатор пахтани териб олиши ҳам ифодаланади).

Тўртинчи ўқувчи: Куз ҳосилини йиғиб олиш учун

Бободехқон тинмай ҳаракат қилади. Чунки кузда кунлар астасекин салқин бўла бошлайди. Ёмғир ҳам тез-тез ёға бошлайди. Кузда ёмғир ёғиб етиштирилган ҳосилни чиритиб юбормасин деб, деҳқоннинг жони ҳалак бўлади.

Қўшиқ ижро этилади:
Булут қоплаб бирданига
Тинди шамол ғир-ғири.
Майсаларга тақди сирға
Кузнинг илиқ ёмғири.

Сувга тўлди оёқ ости
Нур сочилди тоғларга
Қуёш кейин дазмол босди
Дала, адир, боғларга.

«Меҳржон байрами» энг азиз бўлган буғдой хирмонлари билан янада улуғвордир.

Буғдой бошоқлари ўрилиб, омборларга йиғилиб, тегирмонга бориб тортилиб унга айлантирилади. Бизга нон бўлиб келгунча Бободехқоннинг, Момо ернинг озмунча меҳнати сарф бўлмайди.

Биз нонни истеъмол қилар эканмиз, Бободехқоннинг меҳнати, Момо ернинг саҳоватини ҳис қилишимиз, эъвозлашимиз даркор.

Бешинчи ўқувчи:
Нон азиз — энг ҳалол,
Нон сероб — бемалол.
Бўлмагин хом хаёл
Бўлмасин нон увол
Увоғин териб ол.
Буғдойдир онаси,
Олтин ҳар донаси.
Офтобнинг боласи,
Бўлмасин нон увол.
Увоғин териб ол.

Дастурхон безаги
Энг зарур кераги
Деҳқоннинг юраги
Бўлмасин нон увол
Увоғин териб ол.
Нон ризқу-рўзимиз
Нон обрў юзимиз
Асли чин сўзимиз
Бўлмасин нон увол
Увоғин териб ол.

«Бошоқлар» қўшиғи ижро этилади:

Бошоқлар, жон бошоқлар
Олтинсимон бошоқлар
Қир далалар кўксига
Дуру маржон бошоқлар
Сербарака бошоқлар
Бағри донга тўлиқдир.

Барча нозу-неъматдан
Мўътабардир, улуғдир.
Қувониб хирмонидан
Татиб ширин нонидан
Севиб олтин бошоқни
Эл қадрлар жонидан.

Олтинчи ўқувчи: Бошоқларни йиғиб хирмон қилинади. Хирмондаги буғдой ун қилиб, ундан нонлар ёпилади.

Онажонларимиз ёпган нонларини севиб еймиз. Чунки бу нонлар «Меҳржон»нинг саҳоватидир.

«Нон азиз» қўшиғи ижро этилади:

Жуда гўзал бизнинг куз,
Кузга бўлсин кўп олқиш.
Ҳосилтимиз бўлди мўл
Раҳмат, сенга олтин куз,
Байрамларнинг сараси
Меҳржоним байрами.

Яша, яша олтин куз
Ҳосилойнинг байрами.
Меҳнатнинг барақаси
Ҳосил тўйнинг муборак!
Азиз Бободехқоним
Меҳржоннинг муборак.

Рақс ижро этилади.

Инсонларга меҳр-шафқат улашган, меҳржонни ато этган, мурувватини ҳадя қилган байрам — Меҳржоннинг муборак!

Пил бўйи тер тўккан Бободехқон, унинг меҳнатига саҳоват берган Момо ер, Она замин, Ҳосилой, Ҳосилбек — сизларга таъзимлар бўлсин!

Қўшиқ ижро этилади.
Кизлар:
Дейдиё, дейдиё
Келди кузак дейдиё,
Меҳр тўла кўп ҳосил
Олиб келди дейдиё.
Дейдиё, дейдиё
Боғда анжир дейдиё.
Ҳосилни аста-аста

Тердик ҳозир дейдиё.
Дейдиё, дейдиё,
Бугун байрам дейдиё.
Ҳамма шодумон бўлиб,
Меҳмон бўлинг дейдиё.
Меҳр, меҳр, меҳржон
Сенга садқа бўлсин жон.
Роса қўшиқ куйладик,
Барин сенга атадик.

Ўғил болалар «Андижонча» рақсини ижро этадилар.
«Меҳржон байрами»да «Қовун сайли»; «Ширнак» ўйинларини ўтказиш қадимдан одат тусига кириб қолган.
Т. Аюповнинг «Қовун сайли» шеъри ўқилади.:

Қирдим катта полизга
Полиз кетган олисга.
Йўл-йўл тўнли босволди,
Қовунларнинг энг олди.
Атир ҳиди отарди,
Думалашиб ётарди.
— Ол! — дея у эгатдан,
Узилиб кетди банддан.

Мен ва бувам чайлада
Ултириб шу паллада.
Сўйиб қилдик коса ҳам
Карчлаб едик роса ҳам.
Йўл-йўл тўнли босволди
Қовунларнинг энг олди.
Сингган унга меҳнат — тер
Совга қилган Момо Ер.

Хоразм «Лазги»си ижро этилди.

Бир ўқувчи О. Шокировнинг «Ширнак байрами» шеърини ўқийди:

Али, Омон икки дўст
Жуда эрта турдилар.
Ширинак бўлаётган
Боққа томон юрдилар.
Ширинак деганлари —
Деҳқонларнинг байрами.
Мўжизакор миришкор
Боғбонларнинг байрами.

Майдонда, йўлакларда,
Расталар қатор-қатор.
Қовун-тарвузлар тўп-тўп,
Меваларнинг бари бор.
Растада ноз-неъматлар
Ўзларин кўз-кўзлашар,
Болаларга навбат-ла
Хислатларин сўзлашар.

Қовун:

Навлармиз ранг-баранг,
Шакарпалак, босволди.
Билганлар

Қанчамизни
Уй шифтига осволди.

Тарвуз:

Беқасам тўн тарвузмиз,
Бозорларга юборинг.

Тўйиб есинлар яхшилар,
Қолмасин ҳеч ғубори!

«Тўй тантанаси» мусиқасига болаларнинг рақс тушиши билан эрталик тугайди.

«Гуллар байрами» эрталиги

«Гуллар байрами»ни ўтказиш ўқувчиларнинг эстетик хис-туйғуларини ўстиради. Байрамни ўтказишдан мақсад ўқувчиларга йил фаслларидаги мавсумий ўзгаришларни кузатиб бориш, табиатдаги ўсимликлар дунёси, турли-туман гул турлари, уларнинг ўстирилиши ва бошқалар ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир.

Биринчи синф «Ўқиш китоби»да Мирмуҳсиннинг «Кўклам», «Ота совғаси», Уйғуннинг «Баҳор», Зафар Днёрнинг «Бинафша» каби шеър ва ҳикоялари берилган. Шу материаллар асосида ўқувчилар билан «Гуллар байрами»ни ўтказишга ҳозирлик кўриш, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг кўнглига алоҳида завқ ва шавқ бағишлайди.

Байрамни май ойининг охирларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки шу даврда ҳар хил гуллар очилган бўлади. Синфда нечта ўқувчи бўлса, уларнинг ҳаммаси гул, баҳор ҳақидаги шеър топишмоқлар бўлиб берилади ва ёдлатилади.

Гуллар, баҳор ойлари ролларини ижро этувчи ўқув-

чилар танлаб олинади. Уқувчилар йил давомида чизган гуллар расмларининг кўргазмаси ташкил этилади.

Байрамга ота-оналар, ўқитувчилар, болалар боғчаси тайёрлов группа тарбиячилари таклиф қилинади.

Байрам эрталиги бошланишининг ифодаси сифатида майни куй янграйди.

Ўқитувчи: Ҳурматли, азиз ота-оналар, муаллимлар, ўқувчилар ва кичкинтойлар, гул байрамга марҳабо! Сизларни бугунги гул байрами билан табриклайман! Даврага бошловчи Гулчи қиз киради.

Гулчи қиз: Қимматли ота-оналар, ҳурматли болалар, устозлар, «Гуллар байрами»га хуш келибсизлар! Баҳорнинг биринчи гули Бойчечакни чақирсак. (Баҳорнинг биринчи гулини «Бойчечак, Бойчечак» деб 3—4 марта чақирншади. Қўлида Бойчечак расми ушлаган қиз даврага кириб келади).

Бойчечак:

Салом азиз меҳмонлар,
Келтириб сизга шодлик

Баҳордан бердим дарак.

Гулчи қиз:

Гунафшадан ўзимга
Югурибсан бойчечак.

Ундан эрта чиқишга
Улгирибсан бойчечак.

Йўлдош Сулаймоннинг «Бойчечак» шеъри ўқилади.

Қани болалар, яна қандай гулларни биласиз?

Болалар: Бойчечак, Бинафша, Лола, Лолақизғалдоқ, Атиргул, Райҳон, Чучмома, Бўтакўз, Гулсафсар, Намозшомгул, Гулбеор, Гулҳайри.

Гулчи қиз: Жуда тўғри. Энди болалар, даврага хушбўй ҳид таратувчи нозик Гунафшахонни таклиф этсак.

Болалар: Гунафшаҳон, Гунафша.

Гунафша: Лаббай!

Гулчи қиз: Қандай гўзал бежирим, гўзал Гунафша. Сенга аталган қўшиғимиз бор. Бирга айтайлик:

Гунафшахон, гунафша,
Кулишларинг чиройлик.

Боғимизда очилиб
Туришларинг чиройлик.

Гулчи қиз: Қани, болалар, мен топишмоқ айтай, ким жавобини топади!

Ерни ёриб бойчечак
Чиқди уриб бир акса.
Олча, гилос, гул очди.

Атрофга хуш ҳид сочди.
Қайси фасл бу фасл?
Ҳавоси соз кўп асл!

Буми, ўртоқжон, Баҳор фасли.

Гулчи қиз: Тўғри топдингиз. Энди Лолақизғалдоқни таклиф этамиз. Шеърини ўзи айтиб берсин-чи. Даврага Лола киради.

Лола:

Оқ, сариқ, кўк, пушти ранг, Расмин қай рассом солган!
Кўзни олар бир қаранг. Нега бари бир хилмас,
Бу рангни қайдан олган? Ана, айтинг илтимос?

Гулчи қиз: Қани, ким Лола ҳақида шеър билади?

Атиргул:

Баҳор келди элимизга, Севинч тўлиб дилимизга
Кўм-кўк бўлди, боғ, дала. Биз тегиб келдик лола.

Гулчи қиз: Қани, болалар, баргидан ҳид таратувчи гулларни биласизми?

Болалар: Райҳон.

Гулчи қиз: Қим Райҳон ҳақида шеър билади?

Райҳон: Ҳар хил кўчатни Ойхон!

Жўякка экиб қўйди.

Жамбил, сада, ошрайҳон,

Барг ёзсин деб сув қуйди:

Гулчи қиз: Гулдан асал олувчи қандай ҳашоратни биласиз?

Болалар: Болари.

Гулҳайри:

Гулдан-гулга ўтасан, Қасбнингдан хурсанд барча.

Шарбат олиб кетасан. Менга ҳам кўп ёқасан.

Асал ишлайсан қанча

Гулчи қиз: Қани, болалар қайси ойлар баҳор ойига киради?

Болалар: Март, Апрель, Май.

Гулчи қиз: Тўғри. Энди сўзни март, апрел, май ойларига берсак.

Марҳамат!

Март ойи: Биз ҳаммамиз бир сафда,

Бир эслаб ўтмадингиз? Барқ уриб тўлишади.

Еки шоша-пишасиз! Байрам этиб хотин-қиз,

Назарда тутмадингиз! Яйрашиб кулишади.

Гулбаҳоржон бағримда

Апрель ойи:

Иил ичра ўз ўрнимни
Айтиш учун олдим сўз.
Хавасингиз келтирай,

Сизларга қилиб кўз-кўз.
Гулзоримдан баҳраманд
Жаҳон ўтар зўр айём!

Май ойи:

Еқут каби товланиб,
Май ҳам сўзлади бирдан:
— Мен бахт, тинчлик байрами,
Жаҳон меҳнаткашларин
Бирдамлик куниман мен.
Эрклик душманларининг
Мен даҳшатли туниман!

Гулчи қиз: Қани, ким менга гул билан аталувчи исм-ларни айтиб беради?

Ўқувчи: Гулнора, Гулчеҳра, Лола, Гулноза, Гултожи, Райҳон, Гулбаҳор, Раъно, Гулсара, Нилуфар.

Гулчи қиз: Болалар, сиз қанотлари турли рангдаги ҳашоратларни гулга қўниб юрганини кўрганмисиз?

Болалар: Ҳа кўрганмиз. Улар: Капалак, март кўнғиз-лари.

Гулчи қиз: Тўғри жавоб бердингиз.

Болалар: Капалаклар гулзорда
Қанот қоқиб учишар.
Хурсанд бўлиб баҳордан
Гулдан-гулга қўнишар.

Гулчи қиз: Топишмоқ айтай, ўйлаб кўринг, жавобини шошмай айтинг.

Икки япроқ бир танда
Кезар гулзор чаманда

Болалар: Бу севимли капалак.

Гулчи қиз: Синфимизда ва мактаб иссиқхонасида қандай гул ўсимликлар ўсади?

Болалар: Кактус, алоэ, арум, хлорифитум, хина, бегония, кливия, амороллис, фикусня, камус.

Гулчи қиз: Баҳорда қандай гулларни экасиз?

Болалар: Райҳон, хина, гултожихўроз, намозшомгул, печак, гул, гулҳайри.

Гулчи қиз: Қани, ким менинг қўлимдаги гулдастага қараб гулларнинг номини айтиб беради?

Ўқувчи: Лола, атиргул, лолақизғалдоқ, гулсафсар, бў-такўз.

Гулчи қиз: Жуда тўғри. Гулларнинг рангини айтиб беринг-чи?

Уқувчи: Қизил, сариқ, оқ, пушти рангдаги атиргул, бўтакўз, гулсафсар сиёҳ рангда, лолақизғалдоқ қип-қизил.

Гулчи қиз: Баҳор элчиларига атаб қўшиқ айтайлик.

Уқувчи: Тўйгандирсан уйқуга

Ахир қишни ҳам қувган.	Нур тўкяпти бошимга
Наврўз деган ёқимтой,	Бароқ-бароқ гулласак
Шўхликлари гўё той,	Мен ва синглим Гуласал
Кечикдимми хийла деб	Севинишиб дик, дик, дик,
Етиб келди қошимга,	Атрофингда сакрадик.

Гулчи қиз: Қани болалар, ким ўзи севган гулнинг расмини чизиб беради?

Лола: Мана мен лоланинг расмини чиздим.

Чучмома: Ўзим нозик, ҳидим ёқимли — ўхшайманми расмда?

Чиннигул: Мана булар қизил, пушти чиннигул. Дилга ором берар буткул.

Гулчи қиз: Болалар, байрамингизни яқинлайлик, бирга қўшиқ куйлайлик

Болалар: Бизлар оқмиз, қорамиз,
Рангимиз турли — туман
Лекин асл — сарамиз.
Биз билан гўзал чаман.

Оталар ўйланг бизни
Гулчечакмиз, Лоламиз.
Бизлар бутун ер юзин,
Истиқболи бўламиз!

Уқувчилар қўшиқ айтиб бўлганларидан кейин қўлларидagi гулдасталарини меҳмонларга ва кичкинтойларга тақдим этишади. Уйин-кулги давом этади. Меҳмонлар мактаб атрофидаги гулзорга гул сайлига таклиф этилади.

«Гуллар байрами»ни ташкил этиш ўқувчиларда жонажон ўлкага, Она-Ватанга, унда ўсиб-унадиган алвон-алвон гулларга бўлган муҳаббатни оширади. Табиатдаги бу гўзалликни доимий асрашга, уларни ардоқлашга, теварак-атрофимиздаги табиатни тоза сақлашга, хона гулларини тўғри парваришлашга, гулнинг турларини ўрганишга ва бошқаларга ўргатади.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЕТИГА БАҒИШЛАНГАН НОНЪАНАВИЙ МАШҒУЛОТ БАЕНИ.

Мақсади: Болаларга буюк аллома, шоир ва подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида маълумот бериш орқали, кичкинтойлар қалбида улуғ саркардага нисбатан чексиз ҳурмат ва фахрланиш ҳиссини уйғотиш. Муножот куйи янграйди.

Бола: Амур Темур бобокалоним,
Умаршоҳдир надарин отам.
Тошкент хону-чин Юнусжоним,
Қутлуғнигор — тадбиркор онам.
Андижонда туғилдим ўсдим,
Ҳиндистонда боғлар яратдим,
Мусаввирлар бўлишди дўстим,
Ватан дея қалам тебратдим.
2 та жарчи бола чиқадилар:

1-Бола: Одамлару, одамлар
Боғда битган болалар
Эшитмадим демаишлар
Эшитганлар жилмаишлар.

2-Бола: Шохимиз Умаршайх Мирзо
Фарзанд кўрдилар, отини
Бобур Мирзо қўйдилар. . .

1-Бола: Жажжи Мирзо шарафига
Бугун кағта сайл бўлади. . .
Шохимиз Андижон халқига
Зиёфат берурлар. . .
Шошилишлар. . .

(Карнай-сурнай садолари янграйди, 4—5 бола ўйнаб ўтиб кетадилар). Сўнгра қизлар бир томон, ўғил болалар бир томон бўлиб, улар ҳам ўйнаб кириб келишади ва стулларга ўтиришади.

Эшик оғаси: Ҳукмдоримиз Умаршайх Мирзо келаяптилар! (ҳамма ўрнидан туриб, қўллари кўксиларида эгилладилар. Шох айёнлари билан кириб тўрға ўтиб ўтиради). Унинг қўлига чақалоқ берадилар.

Ҳамма: Шохим фарзанд билан муборакбод этамиз.
Айёнлардан бири фотиҳа қилади.

Аён: Омин! Бобур Мирзонинг умрлари кўп, рисклари

мўл бўлсин. Уэлари зўр саркарда-ю улуғ шоир бўлиб етишсунлар. Ҳамда ҳукмдорлик тахтига ўтирсунлар. Оллоҳу акбар!

(чақалоқни шохнинг қўлидан оладилар).

Эшик оғаси: Ҳукмдор ижозат этдилар. Уйин кулгу бошлангиз.

Уйин: Карнай-сурнай. 2 та бола.

Лапар: «Дейди-ё» 4 та қиз бола.

Бошқарувчи: Азиз болажонлар, мана ҳозир биз Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилиш тантаналарининг гувоҳи бўлдик. Аввалги машғулотида сизлар билан Мирзо Бобур ҳақида, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида суҳбатлашган эдик. Қани ким айтади, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ким бўлганлар?

Бола: Заҳириддин Муҳаммад Бобур катта подшоҳ, зўр лашкарбоши, шоир ва олим бўлганлар.

Бошқарувчи: Жуда ҳам тўғри. Қани ким айтади Бобур Мирзо қаерда туғилганлар.

Жавоб:

Бошқарувчи: Жудаям тўғри болажонлар, уларнинг оталари ким бўлган?

Бола: Мирзо Бобурнинг оталари Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо бўлганлар.

Бошқарувчи: Тўғри. Мирзо Бобурнинг оталари Фарғона ҳокими бўлганлар. Қани ким айтади, Мирзо Бобур ёшлиқларида қандай бола бўлганлар?

Жавоб:

Бошқарувчи: Тўғри, улар ўткир зеҳнан, зийрак бола бўлганлар.

Улар ёшлиқларида нималарни яхши кўрганлар?

Жавоб:

Бошқарувчи: Тўғри Бобур Мирзо ёшлиқларида шеър ўқишни, мусиқа тинглашни яхши кўрганлар. Баракалло. Айтингчи нима учун Мирзо Бобурни ҳамма ҳурмат қилган.

Бола: Мирзо Бобур ниҳоятда жасоратли саркарда бўлганлар. Жанг пайтларида эса донм олдинги сафда борганлар. Шунинг учун навкарлари уларни ҳурмат қилишган.

Бошқарувчи: Жудаям тўғри. Азиз болажонлар сизларни Бобур Мирзонинг болалик чоғларидан бир лавҳа кўришни таклиф этаман.

Марҳамат!

Магнит лентасидан куй янграйди. Супада Умаршайх

Мирзо аёнлари билан ўтирибди. Бир чеккада Бобур Мирзо аёнлари билан ўтирибди. Бир кабутар учиб келиб айвон пештахтасига қўнди.

Кабутар: «Ку-лу-гулу-гулу».

Умаршайх: Айтишларким кабутар не дейдур?

Аён: Олий хазрат, кабутар қиличларни қиндан суғуриб, жанг қилмоқ керак дейдур.

Бобур: Йўқ, йўқ кабутар ундай демайдур, жонивор бизга хушхабар келтирубдур.

Умаршайх: Айтишчи Мирзо, қандай хушхабар келтирибдур.

Бобур: Бобо бизни қовун сайлига чақирибдурлар.

Умаршайх: Кабутарни тутиб келтиришлар.

(Аёнлардан бири кабутарни тутиб келади ва уни оёғига боғланган хатни ўқийди).

Олий ҳазрат, қовун пишди. Келиб қўл уриб берсалар».

Умаршайх: Уғлим бунчалик топқирлигингизга боис недур?

Бобур: Ота ўтган йили қовун сайли хушхабарни худди ана шу жонивор хабар қилган эди, каминанинг кўзи кабутарнинг ўнг томонидаги қора ҳолга тушган заҳоти ани танидим ва шу сўзини тахмин этдим. (айёнларга қараб) Сизлар эса қиличини эмас, ақл-идрокни ишга солмоғингиз лозимдур. Хабар қилишлар барча қовун сайлига отлансин!

Бошқарувчи: Мана болажонлар бу лавҳадан бизлар бобомиз Бобур Мирзонинг ўта зийрак ва ишҳоятда кузатувчан бўлганликларини билдик. Энди ҳаммамиз мана бу ердаги нарсаларни кабутар, қовун, хандалак ва бошқа нарсаларни ясаймиз. (Стол устида тухум пўчоқлари, лой, қоғоз, мўйқалам, краска).

Секин аста магнит тасмасидан куй янграб туради.

Бошқарувчи: Машғулотни якунлайди. Болалар ясаган кабутарларини меҳмонларга совға қиладилар.

Лапар: «Дили дили дулон».

Ашула, ўйин: «Оқ кабутар».

Бошқарувчи: Болажонларим, Бобур Мирзо умрларининг ярмидан кўпроғи она юртдан узоқда — Ҳиндистонда ўт-

ган. Хиндулар Бобур Мирзони жуда ҳурмат қилар эдилар. Чунки Бобур жуда адолатли, хақларвар шоҳ бўлганлар.

Рақс: Хиндча 2 та қиз.

Қўшиқ: «Дўлана». (Хинд куйи билан).

Рақс: Парилар рақси.

Бошқарувчи: Бобурнинг газалларида Ватанга муҳаббат уфуриб туради.

Шеърлар: Бобур Мирзо одамларнинг ҳаёти хурсандчилик, қувноқлик билан ўтишини орзу қилади. Сизлар худди А. Навоий китоблари каби Бобурнинг китобларини ўқишга муяссар бўласизлар.

Эй севимли азиз авлодим
Боғ яратдим ҳамда бетакрор
Жоним чиқар қалбимда додим,
«БОБУРНОМА» мендан ёдгор.

Таълим қолур ҳинд тупроғида
Ғазалимга куйлар басталанг
Бобур дебон суҳбат чоғида
Раҳим учун сокинлик тиланг.

Савол ва топшириқлар

1. Тарбиявий таъсир этувчи методларни санаб кўрсатинг?
2. Ахлоқий суҳбат методини ўзинга хослиги нимада?
3. Ўйин методи ва унга қўйиладиган талаблар.

Ижодий иш.

Ўзинга ётқан мавзунини танлаб эрталлик байрамнинг ўтказилиш тартиби (сценарийи)ни тузиб чиқинг.

III Боб. ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясида тарбиявий тадбирларни такомиллаштириш зарурияти, алоҳида таъкидланган: сиёсий тузумнинг ўзгарганлиги, янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши, тарбиявий ишнинг яхшилашда давр

талабига жавоб берадиган янгича тамойиллари ғоялар, иш услубиятларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятини қайтадан қурмоқ лозимдир.

Тарбиявий ишларга янгича муносабат мустақиллик маънавияти негизи асосида ҳукумат қарорларида халқ таълим тизимидаги ислоҳатларда олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда.

Президентимиз Н. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» номли рисоласида шундай деб ёзган эди:

«Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта хомий— давлатнинг ўзи. Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзи бўларчилиikka ташлаб қўйиб бўлмайди».

«Мақсадимизга эришишимиз, янги жамият қуришимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳатларнинг тақдирини ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ».

«Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи, маънавият юзасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи лозим»¹.

Ўзбекистоннинг ўзлуksиз таълим тизимидаги барча ўқув муассасалари ёш авлодга миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, маънавиятни миллий меросимиз билан бойитишда, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ижодий ёндошмоқдалар.

Олим, шоир, педагогларимиз ўзларининг илмий изланишларида тарбиявий тадбирларни янгича йўналиш ва тамойилларини Республика ўқитувчи-тарбиячиларга тавсия этмоқдалар:

С. Очилнинг «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари» номли рисоласида И. А. Каримовнинг асарларини таҳлили ҳамда Ўзбекистон Конституциясидан келиб чиқиб тарбиявий ишларни янгича йўналишларини асослаб берди.

¹ Н. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Тошкент. «Ўзбекистон», 1995. 49—50 бетлар.

«Бўлажак авлодга: ҳур-фикрлик, миллий ифтихор, миллий қадриятларга ҳурмат, эркинлик ва озодлик, инсонпарварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, илмга меҳр-муҳаббат, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, маданий меросга ҳурмат, адолатпарварлик ва озодлик, байналмилаллик, ижодкорлик ва ташаббускорлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш гоёларига садоқат, мусулмон динига ҳурмат. Президент ва давлатни қадрлаш каби сифатларни тарбиялаш»^{2/}.

Бу гоёлар Ўзбекистон Республикаси истиқлол тараққиётининг беш тамойиллари талабларига асосланиб олинган бўлиб, унинг мезонида тарбиявий ишларни ташкил қилиш маҳорати ва қондалари ҳам ўз аксини топгандир.

А. Ж. Жўраевнинг «Тарбиявий дарсларни ўтиш» рисоласида ҳам мустақиллик гоёси билан боғланган тарбиявий тадбирлардан янгича қондаларга асосланган намуналар берилган.

Ижодкор илғор ўқитувчи-тарбиячилар ўз фаолиятлари жараёнида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги маҳорат тамойилларини асос қилиб оладилар:

- тарбиявий тадбирлар ўтказишдан мақсад миллий маънавиятни ёш авлод онгига сингдириш ва эътиқодига айлантиришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёнининг миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлаб бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоасини жипслаштирувчи омиллар билан бойитиб, тарбияни таълим билан узвийлигини таъминлаш;
- тарбия жараёнида болаларни тарбияланган даражасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;
- бола шахсига ҳурмат ва талабчанлик, каби.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш тамойиллари баркамол инсонни тарбиялашда кенг имконга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш тарбиячининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминловчи муҳим омил педагогик маҳоратдир.

Тарбиячининг педагогик маҳорати кўп қиррали бўлиб у:

- Болалар меҳрибон ва ҳамкорлигида;

² Сафо Очил. «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари». Тошкент. «Ўқитувчи» 1995 йил. 41-бет.

- Уқув тарбия жараёнидаги ҳамкорликда;
- Болаларнинг қайғу-ҳасрати, ғами ва омадсизлигига ҳамдард бўлишда;
- Муомала маданиятида;
- Чуқур билим эгаси бўлишида;
- Уқитувчининг руҳий ҳолатида (самимийлик ҳайрилоҳлиги, олийжаноблиги);
- Жамоа билан ишлашда вазиятни ижобий томонга санъаткорона йўналтиришда намоён бўлади.

Кишилик жамияти тараққиётида ҳар бир ҳунар, у ёки бу ижтимоий сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини халқ оғзаки ижодиётида, ёзма ёдгорликларда, афсона, достон, эртақ, қисса, ҳикоят, ривоятларда ҳамда ҳурфикрли, доно маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг асарларида турлича талқин этилган.

Муомала маҳорати

Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши, тарбияланганлиги, одоблилиги унинг муомаласида намоён бўлади. Муомалани асосий воситаси тил. Халқимизда шундай нақл бор «Бола ширин сўзнинг гадойи», бас шундай экан тарбиячи муомаласида тилга жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Тили ширин, хушмуомала уқитувчи энг обрўлидир. Хусайн Вонз Қошифий шундай деган эдилар: «Ҳақ вақтинин сўзлар айтурсизлар яхши сўздин бўлакни айтмангизлар ва кўп сўзламоқ кўнгилни қаро қилур» ёки «Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор, яхши сўздин хўб йўқдур ёдгор»; «Насиҳатин ширин сўзу мулойимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юшоқлик ва хушрўйлик кўргазмайни насихат корга келмас».^{1/}

Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳоратида энг аввало тил ширинлиги, «Ширин сўз кўнгиллар учун бамисли асалдир» деган эди.

Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида «Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ» зикрида шундай ҳикоятни келтиради:

Хорун-ар Рашид бир туш кўрдик. оғзидан барча тишлари тўкилмиш. Эрта тонг туриб бул тушнинг таъбирини айтувчинини чақириб сўрадиким... бу тушнинг таъбири недур?», «Андоғким, сендан ўзга ҳеч ким қолмагувсидир». Бу сўзни эшитибогон Хорун ар-Рашид «Менинг юзимга бундоқ дардлиг ва андуқлиг сўзни айтдинг.

Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен

қандоғ ишга ярарман ва на янғлиғ рўзғор сурарман?»— деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди.

Сўнгра яна бир таъбирчини чақириб сўради.

... Таъбирчи деди: «Эй амир ал мўъмин-ин, сенинг умринг барча акраболарнинг умридан узоқ бўлур» Хорун ар-Рашид: деди: «Барча ақлинг йўли бирдур ва икковингнинг таъбиринг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат билла ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдур». Буюрди сўнги таъбирчига юз тилло бердилар.^{1/}

Бир донишманд жамоага қараб: — бир ганим бор, уни минг сўмга сотаман, истовчилар бўлса марҳамат!— деди. Суҳбат иштирокчилари ҳайрон қолишиб «қандай гап экан» — деб сўрабдилар. Шунда донишманд, бу гап: — «ўйлаб иш қил»! дегани, дебди, донишманднинг бу ғоясидан шунинг англамоқ лозимки, ўйлаб иш қилган одам муомаласида қиёфаси бўлиши (бош, юз ва хатти-ҳаракатларини одоб юзасидан бошқариши) керак экан.

Қўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола шахсига тегадиган қўпол муомала қилиш ўқитувчининг иззати ва обрўйига футур етказди.

Педагог олим Сухомлинский муомала маҳоратини кучи ва унинг яширин сирларини «Болаларга фидо» асарида шундай баён этган эди: «... Юксак туйғу маданиятига эга бўлган ўқитувчи боланинг кайфияти нохушлигини дарҳол фаҳмлайди. Бу энг аввало унинг кўзидан билинади. ... У бола кўнглидаги ташвишни сезганлигини, қандай йўл биландур маълум қилиш йўлини топади. ... Кейин болани танҳо топиб, суриштириши ҳам мумкин.

... Боланинг аҳволини тушуниш, унга ҳамдард бўлиш, мадад бериш керак.

Кўпинча ҳамдардлик, раҳмдиллик чин кўнглидан гаплашиш боланинг дилига хуш келадиган энг яқин ёрдам бўлади. Бепарволик, лоқайдлик эса боланинг дилини ларзага солади!»¹

Бола қалбини нурафшон қилувчи восита ўқитувчининг жонли сўзи, унинг руҳини туширувчи ҳам ўша сўзнинг баёнидир. Халқда «Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нарҳи бор», деб бежиз айтилмаган.

1. Р. Маҳмудов. Деганимни улусқа мағруб эт. ... Т. 1992 43-бет.

1. Найковус. Қобуснома. Тошкент. «Ўқитувчи» 1986 йил 43-бет.

1. В. А. Сухомлинский. Тарбия тўғрисида. Тошкент. «Ўқитувчи», 1975 йил, 24-бет.

Тарбиячининг адолат билан иш тутиш маҳорати.

Адолат инсон — эътиқодни, пок ниятга элтувчи ҳақни ноҳақдан ажратувчи бир ўлчовдир.

Адолат инсонлар ҳуққини баҳоловчи муҳим мезондир. Утмиш аجدодларимиз адолат ва адолатсизликка алоҳида эътибор бериб бу тушунчани сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий нуқтан назардан турлича талқин этиб комил инсонни тарбиясида у ката восита эканлигини ўз асарларида баён этганлар.

Амир Темур салтанатин бошқаришнинг бош мезони — адолат деб ҳисоблаган эди. У ўзининг панд-насиҳатларида ҳам ёш авлодни адолатли бўлишга чорлайди: «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. . . Қайси мамлакатни забт эткан бўлсам, ўша вилоятнинг улуғларини оға-шияларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандимдек кўрдим»² деган эди.

Воиз Кошифий «Ахлоқи Муҳсини» асарида шундай ёзган эди: «Адолат — бу инсонларни бир-биринга яхшилик кўрсатишидир».³

Адолат ва адолатсизлик асрий кўринишлари инсонни қилмиши, ҳаракати, тили муомала, маданияти, ташқи қиёфасида ўз аксини топади.

— Педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий сифатларнинг моҳиятини аниқлаш жараёнида қўлланадиган ўқитувчи-тарбиячининг иш усулларида биридир.

Ўқитувчи III синфда «Эртак кетидан эртак» мавзусидаги суҳбатда ўқувчиларга дастлаб эртак мазмунини баён этади:

«Ота ўз 10 яшар ўғли билан даладан қайтаётиб, йўл устида тушиб ётган бир тақани кўради ва ўғлига дейди:

— Тақани ол!

— Эски тақа учун эгилиб ўтираманми — деб гап қайтарди ўғли. Отаси индамасдан ўзин эгилиб, тақани олади-да, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлади. Бир оз йўл юрганидан кейин олча сотиб ўтирган баққол кўринади. Отаси бояги тақани олчага

² Амир Темур. Ҳикоятлари. Тош: «Фан» 1992 йил, 36-бет.

³ Р. Маҳмудов. Деганимни улусқа мағруб эт. . . Тошкент., «Ўзбекистон», 1992 йил, 54-бет.

алмаштириб, белбоғига тугиб олади. Уғлига кўз-кўз қилиб, бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини ерга ташлади. Уғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқоғини бостирмоқчи бўлиб оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. Угли ўн-ўн беш марта эгилиб, олчаларни териб олиб еганидан сўнг ниҳоят отаси тўхтайдди ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига узата туриб дейди:

— Кўрдингми ўғлим, сен тақани кўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун ўн-ўн беш марта эгилдинг. Бундан кейин эсингда бўлсин, агар енгил меҳнатни оғир деб ҳисобласанг, ундан баттар оғирга дуч келасан».

Бу эртактаги педагогик таъсирнинг салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи қуйидаги саволлар орқали тарбиявий маҳорат билан аниқлади.

— Отани талабни тўғри-ми? ёки йўқ-ми? Сабабини очиб беринг.

— Отани болага меҳнатдан бош тортмаслик учун тутган иш усули тўғри-ми? Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўрнак бўлиб, сўнг хатосини тушунтиради.

— Бу борада сизларнинг фикр ва муносабатларингиз қандай?

Тарбия жараёнида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилди:

Болага қўйилган талаб, Педагогик таъсир кўрсатиш.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи-тарбиячи ўз мақсадига эришиш учун донмо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндошади. Уларни рағбатлантирди, огоҳлантирди, танбеҳ берди.

Ўқитувчи-тарбиячининг педагогик асосида қўйилган талабларини тушунтириш, ноҳўя ҳаракатлардан болаларни сақлаш, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоага мослашгунга қадар кетма-кет талаблар қўйилади.

Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсир этиши тарбиячининг педагогич маҳорати ва обрўйига боғлиқдир.

Талабларнинг қўйилиш шакллари:

— Тарбиячи томонидан талабни тўппа-тўғри қўйилиши.

Бундай талаб болалар жамоаси билан ишлашни дастлабки босқинчидир. Ижодкор-педагог А. С. Макаренко «... Самимий ошқора, ишонарли, қизғин ва қатъий

талаб бўлмаса, жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди, деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаш учун:

- талабни ижобий ва боланинг хатти-ҳаракатларига тўққинлик қилмаслиги;
- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб натижасини билиш;
- талаб очиқ чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши: илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаш;
- талаб болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши;
- талабларда кесатиш, луқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқалар.

Тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишининг яна бир шакли ўқувчи ва ўқувчилар жамоасини истиқлол йўлига бошлашидир. Бунда жамоада тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ошқора ва ишонч бўлиши, ўз-ўзини бошқариш, анъана ва қонуиларга амал қилиниши муҳимдир.

Тарбиячининг ўқувчилар жамоасини жипслаштиришдаги маҳорати. Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирининг назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганиб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суяниб ўқувчиларни тарбиявий жараёнда ўртоқлик-дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини тарбиялаш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- Синф бошланғич жамоасини тарбиялаш ва уларда ўзаро муносабат алоқаларини яратиш.
- Ўқувчилар кундалик фаолиятларини ҳамма қирраларида жамоага жипслаштириш.
- Шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш.
- Жамоада бир-бирга меҳр-оқибатли, мурувват ва саҳийлик, дўстона ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилар жамоалари ташкил қилишда ўқитувчидан турли-туман усул ва восита-

лардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади:

1. Ўқитувчи жамоа аъзоларини янги шароитга (мактабнинг I синфидан бошлаб) мослашув даврида уларга ишонч, ҳурмат, ҳушмуомалалик, талабларини тўғри қўя билиш шу билан бирга ўқувчини тушунини ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиш талаб этилади;
2. Ўқувчилар жамоасидаги етакловчи куч таянч ўзагини танлаш;
3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятини қараб топшириқлар бериш;
4. Жамоада янги анъана, қонун-қондаларни дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш;
5. Жамоа истиқболни давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

Савол ва топшириқлар.

1. Тарбиячилик санъат ва маҳорати ҳақидаги таълимотларни айтиб беринг?
2. Тарбиявий ишлар тамойилларини (принципларини) санаб беринг?
3. Ўқитувчининг маҳорати ва унинг воситалари ҳамда усулларини ифодаланг?

Ижодий иш.

Ўқитувчининг тарбиячилик санъати ва муомала маданияти ҳақидаги ҳикматларни тўпланг. Улардан фойдаланиш тартибини дастур асосида ишлаб чиқинг?

V боб. ОИЛА ВА МАКТАБ ҲАМҚОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Мамлакатимиз мустақиллиги жамиятимизнинг барча жабҳаларида шу жумладан оила унинг иқтисодий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш оилада шарқона тарбияни тиклаш каби бир қатор муоммоларни ҳал этишга имкон берди.

Мустақиллик ўзлигини йўқотган инсонларни яъни ўз оиласи ва фарзандларига бефарқ бўлган ота-оналарни ҳам инсоф, меҳр-шавқат йўлига бошлади.

Қардош тожик халқида шундай мақол бор: «Уй фарзанд билан обод, дала — одам билан». Ҳа, дарҳақиқат ҳар бир оиланинг боғбони ўз мевалари билан обод. Дала

инсоннинг олтин қўллари билан кундан-кунга асрдан-асрга ободонлашиб борса, уй эса ёш гўдакнинг кундан-кунга меҳр, таълим-тарбия олиши туфайли гўзаллашиб, гуркираб яшнаб боради. Одамзод дунёга бир маротаба келар экан бу дунёдан ёлғиз ўтиб кетишни хоҳламайди, орқасида фарзандларининг таълим-тарбияли, обрў-эътиборли бўлиб қолишини истайди. Шундай экан, ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру-муҳаббати ҳамма нарсадан ҳам қимматлироқ бўлса керак. Бола қанча шўхлик қилмасин ота-она унинг эркаликларини кўтаради. Ота-она ҳаммаша ўз фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр туради. Фарзанднинг вояга етишига кўз қоричигидай асраб унга ағрд юқишга, қўймайди. Шу билан бирга қўлидан келганича ўз тарбиясини тўғри сўз, виждонли камтар, чин дўст, ўзгаларининг мулкига хиёнат қилмасликка чорлайди. Аммо айрим кўнгилни қаро қиладиган ишлар гўёки одамзод умрининг лаззати фарзанд эканлигини ювиб кетгандай бўлади. Масалан, тўққиз ой ўз боласини кўтарган қизлар туғилган чақалоқни кўчаларга ахлат яшиқларига ташлаб кетишлари, ота-онаси тирик бўлиб етимхоналарда, болалар уйида ота-онанинг меҳрига зор бўлиб қолишлари одамзод кўнгилни хира қилади. Шундай бағри тош инсонларга қараб бундай дегнинг келади: «Азизлар! Сизлар умрингиз лаззати бўлган фарзандингиздан воз кечманг, аксинча ундан доимо баҳра олинг» дегнинг келади.

Ой ҳам онангман деб тунлар бошингда
Ҳазил-ҳазил алла айтади ёниб.
Қуёш отангман деб кундуз қошингда,
Тунда-чи фурсат йўқ, котади тониб.

Оила боланинг шахсини тўғри йўлга солувчи муҳим омилдир. Болани жисмоний тарбиялаш, уларга ахлоқ ва меҳнат тарбиясини бериш оилада шаклланади. Боланинг тафаккури оилада ривожлана бошлайди. Оилада эр билан хотин, ота-оналар билан болалар, ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида аҳиллик бўлса, оилада бир-бирини ҳурматлаш, катталар кичикларга ғамхўрлик қилиб турсалар бундай оилаларда болаларни тарбиялаш муваффақиятли боради. Бизнинг давлатимизда бола тарбиясида мактаб билан оиланинг мақсади битта. Мактаб ҳам болаларнинг тўғри йўлга солишга ундайди. Баъза оилаларда болаларни тарбиялаш ишининг ҳаммаси онага юклар қўйилади. Ота эса бу вазифаларга камроқ эътибор беради. Оилада, она ҳам ота ҳам бўл-

са, бундай оилада болаларнинг ҳаёти мукамал ва гўзал бўлади. Болаларни тарбиялаш борасидаги ўз бурчларига менсимаслик билан қараётган баъзи ота-оналар «болаларни тарбиялаш учун менинг вақтим йўқ, — деб баҳона қилишади. Ота-она ишлаб чиқаришда ёки муассасада, шунингдек ижтимоий ишлар билан ҳар қанча банд бўлса ҳам, лекин ўз болаларидан хабардор бўлиб туриши лозим. Оилада аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлмаса бундай оилада болаларни тарбиялашда катта қийинчиликлар туғдиради. Оилада тарбиянинг асосий йўли шуки, оиладаги катта-кичик ҳамма ишда бир ёқадан бош чиқаришларидир. Болаларга муомала қилишда ёки жазо беришда ҳар хил ҳолат бўлади. Масалан: талабчан ота ҳамма нарсани таъқиқлаб қўяди, ёки отаси берган жазони онаси бекор қилади. Шундай ҳолатда ҳам нохушликлар юзага келиб қолади. Бундай нарсалар болаларга жуда тез таъсир кўрсатади. Улар отаси ва онасини лақиллатишга одатланиб қоладилар. Агар ота-оналардан бири оиладан кетиб қолса, бундай оила жамоалик хусусиятини йўқотади. Бу ҳол болаларнинг асабий ва жизаки, қўпол ва қўрс, гумонсрайиверадиган ва ишонмайдиган бўлишларига олиб келади, уларнинг ўқиши пасайиб, одамларга ишончи камаяди.

Разоуддин ибн Фахриддиннинг «Оила» номли рисоласини Бола тарбияси ёмон ният ва қўполлик билан эмас балки сабр-тоқат, матонат, меҳрибонлик, чидамлик, шавкату сезгирлик билан олиб борилиши керак», — деб таъкидлаган эди. Утмиш мутафаккир, маърифатпарвар алломаларимиз соғлом фарзандларни ҳаётга келтиришда шарият—қонун-қондаларига риоя қилишни, савоб гуноҳнинг фарқини англашига, ақли солиқ фарзанд бўлишидаги бош масала деб ҳисоблаганлар.

Онанинг муқаддаслиги, машаққатли меҳнати Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда тўла асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгуларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур» дейилади.

Бас, шундай экан ҳар бир ота-онанинг бурчи фарзандни иқтисодий, маънавий жиҳатдан жамият учун фойдали шахс қилиб етиштиришдир.

Оила бурчи-жамият, Ватан олдидаги мажбуриятни англатадиган ахлоқий нормалардан биридир. XV асда яшаб ижод этган Ҳусайн Вонз Кошифий «Ҳар бир инсон дастлаб худо олдидаги бурчини ўтаб бўлгандан сўнг,

ота-она фарзанд олдидаги бурчини бажармоғи керак»¹
— деган эди.

Ота-она бурчининг асосий йўналишлари:

1. Оилавий шарт-шароит ва ахил ҳамжиҳат оилани яратиш.
2. Оилада фарзанд туғилиши орзуси билан яшаш.
3. Бола тарбиясида «Туғилган кун» ни нишонлашнинг аҳамияти.
4. Исломий ва дунёвий илм олишга шарт-шароит яратиш.
5. Фарзанднинг ички дунёси: орзу, уй ҳаёллари қувонч ва муваффақиятсизлигига шерик бўлиш.
6. Меҳнатга ҳурмат ва қувонч ҳиссини тарбиялаш.
7. Болага ҳамфикр ҳамдард бўлувчи устоз меҳнатини ардоқлаш.
8. Она Ватанимиз ижтимоий ҳаётнинг посбони. Ҳар бир инсон шу Ватанда улғаяди, вояга етади, ўзининг маънавий, ақлий, оилавий мажбуриятларини англаб вояга етади. Ана шундай инсоний мажбуриятлардан бири Ватан тизимидаги катта ва кичик жамоаларни ўзаро ҳамкорлигидир.

Оила билан мактаб ҳамкорлигининг мазмуни ва иш шакллари

Оила билан мактаб ҳамкорлиги баркамол инсон тарбиясидаги муҳим омиллардан бирidir. Мактабдаги ўқув-тарбия ишларининг юқори савияда бўлиши ўқувчиларни тарбияланган даражаси ота-оналарига боғлиқдир.

Мактаб оила билан икки шаклда ҳамкорликни амалга оширади:

1. Ота-оналар жамоаси орқали.
2. Якка-якка ота-оналар билан олиб бориладиган ишлар орқали.

Ўқитувчининг ота-оналар билан алоқаси ўзаро бир-бирини тушуниб юксак ахлоқий муносабатда педагогик ёндашув, хушмуомалалик, ширинсўзлик ҳамма ота-оналарга бир хил муомала ва тўғри талаб бўлиши лозим.

Ота-оналарга бериладиган маслаҳат ниҳоятда асосли, пухта ўйланган бўлиши. Тутруқсиз суҳбат ва маслаҳатлар мактаб ва ўқитувчига ота-оналарни эътиборини пасайиб боришига олиб келади.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: «Ўзбекистон» 1992 йил 20—21 бетлар.

Ота-онанинг мактаб ва ўқитувчига нисбатан ижобий муносабати, фарзандига кўрсатаётган ғамхўрлик, ақлий етуклик, ахлоқий юксакликдан келиб чиқади.

Ота-оналар билан якка-якка ишлаш турли шарт-шароитлардан келиб чиқади.

Ота-оналар билан яккама-якка ишлаш айрим бола тарбиясидаги қийинчиликларни содир бўлиши, онлавий муаммолар, ўқувчиларни ўзлаштирмаслигидаги сабабларини аниқлаш мақсадига олиб борилади.

Якка суҳбатлар қуйидаги шароитда ташкил этилиши мумкин.

1. Ўқувчинини характер хусусияти, онладаги ўрни, мақсеси, руҳий ҳолатини ўрганишда.
2. Одоб ва ахлоққа доир суҳбат. Ота-она шу борада қандай тадбирларни амалга оширишларида, (шарқона урф-одат, расм-русмлар янги чиққан адабиётлар, кўрган театр ва кинолар тахлили кабилар).
3. Тарбияси мураккаблашган ўқувчиларни ота-оналарига маслаҳат бериш, ўқитувчинини якка-якка суҳбати пухта, асосли ва мантиқан бой бўлса ота-онани унга ишончини оширади. Натижада эркин, дил сўзлари, маслаҳат, ўзаро ёрдам каби бир ҳамкорлик ҳолати вужудга келади.

Ўқитувчи ота-она ва ўқувчилар билан яккама якка фаолиятини йўлга қўйиш учун синф ота-оналар шахсини, онлавий аҳволини билиши керак.

Синф ўқувчиларининг ота-оналари ҳақида маълумот

1. Ота-она ва она аъзоларининг исми фамилияси
2. Ёши
3. Маълумотлари
4. Иш жойи
5. Онлавий шароити
6. Она даромади
7. Ота-онанинг ижтимоий-сиёсий, маънавий билим даражаси
8. Миллий мерос ва маънавий тарбиясидаги муносабати

Қизиқишлари даражаси. Ўқитувчи ота-оналар ҳақида маълумотга эга бўлгандан кейин уларнинг фарзандлари ҳақида маълумотни аниқлаш муҳимдир.

1. Фуломиддин Акбарзода. «Таълимий соний»: Тош: 3-бет.
1. К: Д: Ушинский. Танланган асарлар: Тош: 1950 й: 120—121 бетлар:

соғлиғи	яхши
Руҳиятдаги ҳаётга қувонч	қувонч
ёки бепарқлиғи	бепарқ
Инимага қизиқиши	китоб ўқиши, театр
Ақлий меҳнатга муносабати	ижобий, тўлиқ эмас ёки салбий
Меҳнат қилиш қобилияти	юқори юқори эмас
Ҳў-рўзгор ишларига қара- шиши	доимо, онда-сонда
Ота-онага меҳри, уларни қадрлаши	меҳрибон, меҳрсиз
Оиладаги қадриятларга муносабати	бепарқ қарайди
Тўғрилик, сахийлик фази- лати	сахий, тўғри
Жамоат билан яшай олиши	жон дили билан ёки йўқ
Келажак касби	Шифокор
Ким бўлишга интилиш	Шифокор

Ўқитувчи - тарбиячининг болаларни тўлиқ ўрганиши тарбиявий тадбирларни мукамал, таъсирчан уюштиришга имконият яратади.

Кузатишларимиз шунни кўрсатадики айрим ўқитувчилар болаларни ўрганиш борасидаги ҳужжатларни расмийлаштириш билан чегараланиб уни йил бўйи ривожлантирмайдилар. Бу ҳолат болалар орасидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни фарқламасликка олиб келади.

Бу эса ўқитувчи, бола ва ота-оналар орасидаги муносабатни бузилишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолат бўлмаслик учун ўқитувчи-тарбиячи қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Ўқувчиларда шаклланиб келадиган ижобий фазилатларни тавсифлаб чиқиш. Синфдаги ўқувчиларда: илм олишга қизиқиш, кўнгил бўшлиқ, ростгўй, муруватли, инсонга меҳрлилиги, дўстлик, ўзини-ўзи бошқариши, меҳнатга муносабати бор ўқувчилар сонини аниқлаш.
2. Ўқувчилар руҳий қуввати ва темперамент турларига ажрата олиш.
3. Ўқувчида мавжуд камчиликлар: продавий хусусият-

даги бeфaрқлиги, ёлгон гапириши, чақма-чақарлиги, ҳимматсизлиги ва бошқа салбий сифатларнинг сонини аниқлаш.

4. Ўқувчидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни тартибли кузатиш ва сабабини ўрганиш.
5. Ҳар ҳафта «Мактаб сизни қорлайди» рукнидаги очиқ эшиклар кунини жорий этиб болалар тарбиясида ҳосил бўлаётган ўзгаришлар билан ота-оналарни таништириш.

Ўқитувчининг ота-оналар билан ишлаш тартиби

Ўқитувчилик фаолиятининг энг мураккаб томонларидан бири ўқувчилар ота-оналари билан умумий тил топа олиш, уларни ҳурматига сазовор бўлиш, ҳамкорликда бола тарбияси билан шуғулланишдир.

Ўқитувчи — синф раҳбари, меҳрибон тарбиячидир. Мактабнинг бошланғич синфларидаги муҳим хусусиятлардан бири-бирига қадрдон ўқитувчи раҳбарлигида 4 йил ҳамкор, ҳамдард бўладилар.

Шу сабабдан бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналар жамоаси билан ҳам ишлаш ўзига хос хусусиятга эга:

Биринчи фарзандларини мактабга кузатадиган ота-оналарнинг иш шакл ва услублари кўп тажрибали ота-оналардан фарқ қилади.

Булар учун «I-синф ўқувчиси», «Еш ота-оналарга эсдалик» ларни тавсия этиш талабга мувофиқдир.

Бу иш шаклидан мақсад:

Ота-онанинг — ўқувчи ота-онаси номига сазовор бўлиш хиссини уйғотиб, мактаб олдидаги бурчинини англаштириш.

Ота-онанинг педагогик, тарбиячилик фаолиятини фаоллаштириш.

Еш ота-оналар учун эсдалик.

Ҳар бир инсон фарзанд кўриш ва уни вояга етиб боришини тўрт кўзлаб кузатаётганидан Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, у буюк неъматни қадрига ета билиши лозим. Бу неъмат боланинг мактабга биринчи қадамидир.

Ғуломиддин Акбарзода «Илм демак жон. Илм демак маданият «дини одобига сабаб»¹ демак, деб ёзган эди.

Бас шундай экан ота-она I-синф ўқувчисининг илм

¹. Ғуломиддин Акбарзода. «Таълимий соний». Тош: 3-бет:

даргоҳидан кўп билим ва тарбияга эга бўлиши учун нималар қилиши керак:

1. Ўқитувчи муқаддас сиймо у сизни маслаҳатчингиз, уни ардоқлаб обрў-эътиборига садоқатли бўлиш.
2. Синф ва мактаб жамоасининг таълим-тарбия тадбирларига фаол қатнашиб таклиф ва мулоҳазаларингизни айтиш.
3. Болангизда нима яхши, нима ёмон эканлигини уқтириб шарқона расм-русм, удум анъаналаримиздан хабардор қилиш ўқитувчига кўмакдош бўлиш.
4. Болангизнинг ўқув ишларига ёрдам бериб бориш. Уйга бериладиган топшириқларни бажаришда уларга ёрдамингизни бериш.
5. Болангизда мактаб, синф, ўқитувчи ва ўртоқларга нисбатан яхши фикр уйғотиш, чунки I-синф ўқувчисининг мактаб шароитига мослаштириш анча мураккаб руҳий ҳолатдир.
6. Фарзандингиздан кундалик иш фаолиятидаги муносабатини кузатиб, сўраб бориш. Бундай суҳбатда яхши, жуда яхши, марҳамат, раҳмат, барака топ каби сеҳрли сўзларни, ножўя ҳаракат содир бўлган бўлса, «чакки иш бўлибди», «мен кутмаган эдим» кабиларни ишлатиш.
7. Ота-она мактабнинг яқин ёрдамчиси бўлиши, кўмакдоши ўз фарзандининг камоли билан яшаши кабилар.

Биринчи ота-оналар синф мажлисини ташкил қилиш методикаси

Ҳар бир ўқув йилининг бошида ўтказиладиган ота-оналарнинг синф мажлисини илмий, назарий, маънавий ва методик жиҳатдан мазмунан ташкил қила билиш ота-онанинг бундай мажлисларни орзиқиб кутиб донмий қатнашувчи бўлишига замин ҳозирлайди. Бундай мажлис ўқитувчидан кўп билим ва маҳорат талаб этади.

Дастлаб ундаги масалалар юзасидан тайёргарликни бир ой олдин бошлаш керак. Булар: Ҳар бир оила аъзоси ва шарт-шароити ҳақидаги маълумотга эга бўлиш;

Оила ва атрофдаги ижтимоий муносабат муҳитини сөз ёки носозлигини аниқлаш;

Ҳар бир ўқувчи шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш;

Оилада болани мактабга тайёрлаш тартиби кабилар.

Биринчи мажлисни ўтказишдан олдин ўқитувчининг тайёргарлиги:

1. Мажлис мавзуси ва мақсадини аниқлаш.
2. Мажлис ўтадиган жойни жиҳозлаш.
3. Мажлис ўтказиш методини танлаш: суҳбат, тушунтириш.
4. Мактаб тарихи ва келажакдаги истиқлоли ҳақида қисқа маълумот тайёрлаш.
5. Ота-оналар жамоаси низомини кўргазма тариқасида тайёрлаш (мактаб раҳбариятининг низом ҳақидаги чиқишини ҳозирлаш).
6. Синф ота-оналар қўмитасини сайлаш.

Биринчи ота-оналар мажлиси самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг шахсига боғлиқдир. Унинг ўзини тутиши, муомаласи, ишбилармонлиги ҳар бир ўқувчи ва она ҳақидаги маълумотга эга бўлиши, ота-оналарга ижобий таъсурот қолдиради.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадигани мактабдаги ота-оналар мажлисини юқори савияда бўлмаслиги ота-оналарни мактабдан совилади.

Тайёргарликсиз сизни болангиз яхши, сизники ёмон ёки табелларни бериб қўл қўй дейилади.

Айниқса «ёмон» ўқийдиган болаларнинг ота-оналарини жамоа орасида обрўсизлантиришга интилиш ҳолатлари ота-оналарни мактабдан узоқлашиб кетишига сабаб бўлади.

Бундай мажлислардан воз кечиш керак. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг маънавий истиқлол мафкурасини мустаҳкамловчи янгича муносабат мактаб — ота-оналар ёш авлодни тарбиясига зарурдир.

Ҳар бир ота-оналар мажлиси улкан мақсадга қаратилган. Турли шаклларда ташкил қилиш талабга мувофиқдир.

«Педагог маслаҳатига амал қиламиз» мавзусидаги мажлислар;

«Учрашувчи мажлис», (олим, тиббий ходим, санъат ва маданият арбоблари;)

Баҳс мажлислари: Таълим-тарбияга доир муаммолар юзасидан ёки педагогик адабиётлар юзасидан;

«Меросга ихлос» мажлислари.

Бола тарбиясига доир Қуръони Карим, Ҳадис ва муфаккирларнинг доно фикрларидан фойдаланиш.

Синф ота-оналар мажлисини ўтказиш тартиби:

Синф ўқитувчиси ва ота-оналар қўмитаси аъзоларининг олдинги мажлисларида қабул қилинган қарорларининг бажарилиши ҳақида ахборотлари эшитилади.

Мажлис мақсадига кўра мавзунинг эълон қилиниши.

(юқорида кўрсатилган мажлис турига кўра унинг мазмуни асослаб берилади).

Ота-оналар фикр ва мулоҳазалари эшитилади.

Ўқув-тарбия ишларидан савол ва талабларни муҳокама этилади.

Турли масалалар ҳал қилинади.

Синф мажлиси қарори чиқарилиб, тасдиқланади.

Ўқитувчи келгуси мажлис режаси билан таништиради.

Мажлис ўтказиш тартиби мавзунинг ўзига хос хусусиятига кўра ўзгариб боради.

Ота-оналарга педагогик билим бериш шакл ва режалари

Инсон камолоти шунчалик мураккабки унга ҳаётини тажриба етарли эмас унинг учун ўрганиш, билим, ўқиш ниҳоятда зарурдир. К. Д. Ушинский «Ижтимоий тарбияда халқ руҳи» ҳамда «Педагогик адабиёт орасида»ги рисоаларида Ота-она учун педагогик билим дастлаб педагогик адабиётлар ўрганишдан бошланади. Бола тарбиясидаги билим халқ руҳи билан суғорилган-халқчилик ғоясига асослангандагина ота-она билимдон тарбиячилик санъатига эга бўлаоладилар», — дейилган¹.

Педагогик билим ота-оналар учун ниҳоятда зарур. Бу билим мактабда, маҳаллада ва кундалик ахборот воситалари орқали бериб борилади. Лекин ҳаётимиздаги янги-янги муаммолар педагогик билимини янада кучайтиришни, чуқурлаштиришни талаб этади.

Мактабдаги педагогик билим турли шаклларда амалга оширилади:

Педагогик маъруза, илмий, методик кенгаш.

«Саволларингизга жавоб берамиз» (ота-оналар куни)

Ота-оналар учун маъруза

Маъруза ота-оналарга педагогик билим берадиган турлардан биридир. Ота-оналар учун мўлжалланган маъруза таълими-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак.

Ота-оналар учун педагогик билим берадиган маърузалар мавзулари:

¹ К. Д. Ушинский: Танланган асарлар: Тош: 1958 й. 120—121-бетлар.

- Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва баркамол инсон тарбиясида ота-оналар ўрни.
- Оилада иқтисодий тарбия.
- Маънавий мерос ва оила.
- Сиз ўтмиш авлодларингизни биласизми? Оиланома яратиш масалалари.
- Мутафаккирлар ижодиётида оила тарбияси.
- Фарзанд тарбиясида халқимиз қўллаган усуллар.
- Оиладаги адолат — тўғри тарбия асосидир.
- Фарзандингиз сахий, мурувватли бўлсин десангиз?

— Оилада нймон-эътиқод тарбияси.
Ота-оналар учун танланган мавзулар қуйидагича режалаштирилади.

Мавзу: «Маънавий мерос ва оила».

Мақсад: Ота-оналарга ўтмиш меросимиздан болани оилада тарбиялаш ҳақидаги мутафаккир ва маърифатпарварлар асарларидаги таълимотлар ҳақида билим бериш.

Маърузани таъминловчи манбалар:

- а) Ўтмиш маърифатпарвар ва мутафаккирларни асарлари (Абу Али Ибн Синонинг «Тадбир ал-манозил», Алишер Навоийнинг «Мақбубул кулуб», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқий Мухсиний» асарларидаги оила тарбиясидаги ғоялар.
- б) Кўргазмалар-алломаларнинг расмлари ва китоб намуналари.
- в) Дидактик материаллар, доно сўзлар ёзилган карточкалар, фактлар.

Маърузанинг кириш қисми

- а) Мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси ҳамда миллий мерос ҳақида тушунча. Бу борадаги Ўзбекистон раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати.

Маърузанинг асосий қисми.

Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва Воиз Кошифийларнинг асарларидаги давомийлик ғояларининг бири-бири билан боғланганлиги, асарларнинг яратилиши ҳақида маълумот берилади. Сўнгра асардаги оила, отанинг ҳурмат, вазифа, бурчлари ҳақидаги таълимотлар. Оилада аёл ва эркак фазилатлари қандай қилиб фарзанд бурчини англатиши муаммолари. Ахлоқ-одоб тарбиясидаги доно фикрлар, ривоят, ҳикоят, танбеҳлар орқали асослаб, тушунтириб мактаб ҳаёти билан боғланади.

Маърузанинг якуний қисми.

Миллий меросимиздан қандай фойдаланишга доир методик кўрсатма ва тавсиялар берилади.

Мактабда «Ота-оналар кунини» ташкил қилиш педагогик билим бериш турларидан биридир. Ота-оналарни мактабга маълум кунда таклиф этиб турли ўқув-тарбия ишларидан хабардор қилиш анъанавий аҳамиятга эга бўлиб у «Мактабда ота-оналар кунини» ёки «Очиқ эшик» лар кунини дейилади.

Бу кундаги иш тартиби қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогик маслаҳат бурчагини ташкил этиш.
2. Болалар ижодиётидан кўргазмалар уюштириш.
3. Очиқ дарсларга ота-оналарни таклиф қилиш.
4. Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.
5. Ота-оналар учун концерт дастурини намойиш этиш.

Юқоридаги ота-она ва мактаб ҳамкорлигидаги ишлар методик жиҳатдан тўғри ташкил этилса ижобий натижа беради.

Савол ва топшириқлар.

1. Ота-оналар билан ишлашни ўзига хос хусусиятини асослаб беринг?
2. Ота-она ва ўқувчи шахси қандай ўрганилади?
3. Биринчи ота-оналар мажлисидаги тадбиркорлик сирлари қайсилар?

Ижодий иш.

Педагогик амалиёт жараёнида сизга бириктирилган синф ота-оналари учун тарбиявий иш режасини тузинг?

Тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш ўқитувчи-тарбиячидан кўп турли-туман материалларни излашга чорлайди. Шу мақсадни кўзлаб ўзбек халқинини маънавиятини миллий ва маданий меросини акс эттирувчи илова сифатида қўшимча материаллар беришни лозим топдик. Сиз ижодиётингиз жараёнида танланган мавзунингизни ўзига хослигига қараб танлашингиз мумкин.

Ватан дегани у нима ўзи?

Ватан она сўзи нақадар лазиз
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар азиз.
Уйғун.

Ватан деганда ҳамиша ўзингиз туғилиб ўсган юрт кўз олдингизга келади. Оламда шундай тушунчалар борки, улар ҳеч қачон ўзгармайди. Она, Ватан... шундай тушунчалардандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути билан қонга киради. Бу азиз туйғуни она алласи парвариш этади, улайтиради. Албатта унга муносабат, муҳаббатнинг катта ё кичик бўлиши шахснинг тарбияси ва баркамоллигига боғлиқ.

Ватан тушунчаси жуда катта, кенг маънога эга. Ватан деганда биз мустақил Ўзбекистонимизни, унинг ҳудудини — битмас туганмас бойликларини, шаҳар ва қишлоқларини, шарқираб оқаятган сойларини, гуллаб-яшнаётган боғларини, қорли тоғларини тушунамиз.

Ватан ҳам, Ватанга муҳаббат ҳам илоҳий бир неъмат, шунинг учун ҳам у бизга азиз ва муқаддасдир.

Ватан сўзи ёнида ҳамиша она сўзи келади. Бу шунчаки сифат, одати мажоз эмас. Она Ватан тимсолида биз жамиятимиз, табиатини меҳрибонлик ва мувофиқлик пойдеворига қурилган тузумимиз ҳислатини кўра-миз. Ватан тарихи — моддий ва маънавий меросга айланди. Океан ортидаги мамлакатни биринчи бўлиб кашф этган Абу райҳон Беруний, не-не саркардалар тиф кучи билан ололмаган жойларни қалам кучи билан забт этган Алишер Навоий, тиббиёт илмининг асосчиси Абу Али Ибн Сино, буюк математик ал Хоразмий, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонун-шунос, талантили меъмор, нотик, руҳшунос, буюк шахс Амир Темур каби жаҳон аҳлига машҳур бўлган маърифатли ўзбек миллатининг қалби, ақли, хулқи, билими, тили, саркардалиги билан ҳурмат топган юртошларимизни бутун дунё биледи. Уларга ватандош бўлганимиздан биз фахрлансак, уларга ҳам Ватан она ўрнида она, ота ўрнида ота бўлган.

Шунинг учун ҳам она замин, она Ватан, она ер каби тушунчалар ҳаётимизга, онгимизга сингиб кетган. Неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларни ўз қучоғига олган она Ер, аждодларимизга оналик қилган. Ҳа, у

ота-боболаримизни онаси бўлган! У бизнинг онамиз ва келажак наслларнинг онаси бўлажак. Оташ нафас турк шоири Ошиқ Вайсий дейди:

Ҳавога боқсам мен ҳаво оларман,
Тупроққа боқсам мен дуо оларман.
Тупроқдан айрилсам қайда қоларман,
Менинг сариқ ерим қора тупроқдир.

Ҳа халқнинг Ниҳон хазинаси тупроқда, тупроқ дуо-си — Ватан дуосидир. Шоирнинг «Менинг сариқ ерим қора тупроқдир» дейишида Ватанга, она тупроққа бўлган меҳри ифодаланган.

Ватан ҳақидаги афсонавий фикрларни Аҳмад Яссавий фикрларида ҳам кўриш мумкин.

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,
Ҳақ васлига етармен деб руҳим муштоқ.

Бу байтда Ватан дийдори соғинч чироғи компл қалбнинг рух муштоқлиги кўрсатилган. Одам Ватан билан бирликка эришса, у нафақат ўз элининг балки оламнинг эҳтиромига сазовор бўлади. Бундай кишини эса тушунди, дунё танийди.

Азиз ва гўзал Ватанимизга бўлган юксак эътиқод билан яшаган Ватан ва Ватаним деган сўзни енгилга муносиб бўлиб қолиш она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни доимо юксалтириш, ҳар бир инсоннинг илоҳий туйғуларидан келиб чиқиши керак.

Ватан қалби — беғубор олам, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас ишимиздир. Ватан! Не-не азиз инсонлар вояга етган, унинг порлоқ истиқболи, фазлу комили учун жон фидо этган замин. Эл борки, Ватан бор — Ватан борки эл бор, элсиз Ватан — биёбон. Ватансиз эл — дарбадар. Шунинг учун қадимда элим дея Ватанни эъзозлаганлар. Ватан тушунчаси турли замонларда талқин этилган.

Ватан сўзи бугунгидек мағрур жарангламаган. Жонажон юртимиз мустақиллиги туфайли Ватан деб аталиши бу кўҳна заминда янада чирой топди. Бутун дунёга юз ўгирди.

М. Мирзаев «Қадимий Тошкентнинг алломаи замонлари»

Тошкент V—VIII асрларда Чоч, Шош, Шошкент, Бинкат, Банокат деб аталиб, XI асрдан бошлаб Тошкент номини олган. Бу ерлик аҳли ижод эрса Шоший, Чочий,

Илоқий, Банокатий, Тошкандий тахаллуслари билан қалам тебратдилар. Биз ҳам уларнинг илмий меросини ўрганишда ушбу номларга алоҳида тўхталиб, изоҳ беришга ҳаракат қилдик, алломалар фаолиятига қисқача баҳо бердик.

ШОШИЙЛАР

Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қаф-фол аш-Шоший (X аср) — шофийян мазҳаби олими, фикшунос бўлиб, Шошда таваллуд топдилар. Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф, шарнат илми, тилшунослик билимдонли бўлган. Унинг «Адаб ул-қози» («Қози одобин») асари мавжуд. Ривоятларда айтилишича, Шайх Зайниддин бобо исмли машҳур авлиё ер ости йўли орқали Қаф-фол Шошийни зиёрат қилиб келар эканлар, негаки ул зотга ҳурматлари кучли бўлган экан. Шунингдек, Қаф-фол Шоший оғирлиги ярим грамм келадиган ажойиб қулф-калит ясаганлиги учун «ал-Қаффол» («Қулфчи») лақабини олган.

Қаффол Шоший қабри халқ орасида Ҳазрати Имом (Ҳастимом) номи остида катта шуҳрат топган, муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший (X аср) ўз даврининг фикҳшунос (ислом динимиз — шарият қонунлари ҳақидаги илм билан шуғулланувчи) заҳматкани олими эди. Шош унинг таваллуд топган маскани, она дёри бўлган, шу ернинг мадрасаларида таълим олган. Сўнг, Миср Араб Республикасида қози бўлиб, то ҳаётининг сўнгги кунларигача ўша ерда умр кечирган. Ундан «Усули Шоший» («Фикҳ усули») асари қолиб, ислом қонунлари ҳақидаги муҳим маълумотлар ўрин олган.

Абу Бакр — Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (X аср) ҳам фикҳ илми билан машғул бўлган. У Боғдоднинг Низомия мадрасасида мударрислик қилиб, ўз даврининг буюк алломалари — файласуф Абу Ҳамид Ғаззолий, Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Бакр Шошийлар билан учрашган. Улар ҳам Низомияда дарс беришган.

Абу Бакр Шошийдан бир қанча асарлар қолган. Шунлардан машҳури «Ҳияят ал-уламо» («Олимлар чиройи») китоби бўлиб, у халифалик ҳақидадир. «Аш-Шофий» («Шифо берувчи») асари фикҳ масалаларга бағишланган.

Занги ота — Ойхўжа ибн Тошхўжа ибн Азизхўжа Абдумалик наслидан (XII аср) бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг муриди эди. Шунингдек, бу кишини Яссавийнинг

устоди Арслонбоб эшоннинг набираси ҳам дейилади. Занги ота турк авлиёларининг энг мўътабар зотлари сафига қўйилади. Занги ота пирлари Хўжа Ҳаким ота — Сулаймон Бақирғонийдан тасаввуф илминин ўрганадилар. Занги ота қора танли бўлганликлари учун «занги» (арабча — «занжи») лақаби қўлланиб келинган. Биби Амбар билан турмуш қуришган. Амир Темур Занги ота қабрлари устига мақбара бунёд эттирганлар. Бу аллома чўпонларнинг пири дейилади, чунки асосан қўй боқиш билан шуғулланган эканлар.

Шайх Абу Бакр Зайниддин бобо Орифхон ибн Шахобиддин (XIII аср) оталари Шахобиддин Орифхон Бағдоднинг катта мутасаввуфларидан эдилар. Уғиллари Абу Бакр Зайниддин бобони Шошга жўнатадилар. Ҳозирги Кўкча даҳасидаги мақбаралари мавжуд маконда чиллахонада хаёт кечириб, бу ерда ислом — тасаввуф илми ривожини билан машғул бўлганлар. Амир Темур XIV асрда ушбу чиллахона ўрнига мақбара бунёд этганлар.

Шошлик яна бир шайхлардан — Шайх Хованди Тоҳур (XIV аср) бўлиб, ул зот Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли эдилар. Хўжа Ахрор валий Шайх Хованди Тоҳурнинг авлоди бўлган.

Жамшид Шошийнинг (IV аср) тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аҳмаддир. У олим ва моҳир хаттот бўлиб, устоди алломан замон — Тафтазоний бўлган. Машҳур исломий олим Замахшарий қаламига мансуб «Кашшоф ан ҳақойиқ ат — танзил» асарини насх хатида кўчирган. Устоди Тафтазоний китоби бўлмиш «Талмих фи кашф ал-асрор ат тавзиҳ» га ҳошия ёзиб берган.

XV аср Шошийлари ичида шундай шайх, авлиё, уламою мударрислар, тасаввуф илмининг буюк алломан замонлари бор эдики, биз шулардан бири сифатида Хожа Ахрор, яъни ким — Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Муҳаммад Номийнинг номини ҳавас билан тилга олиб ўтаемиз. У Тошкент воҳасининг Боғистон қишлоғида таваллуд топиб, ўз даврининг алломалари бўлмиш Абу Бакр Қаффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин Орифхон бобо меросидан илҳом олган Нақшбандийлик тариқатининг йирик намоёнласи эди. Хожа Убайдул Хожа Убайдуллоҳнинг опаси Хожа Довуднинг қизи бўлиб, Хожа Довуд эса Шайх Хованди Тоҳурнинг ўғли эрди. Унинг илми шундай юқори эдики, хатто Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, кейинроқ Бобур Мирзолар ҳам ўзларига пир сифатида қабул этганлар. У масжид, мадраса, хонақоҳлар қуришга ўз маб-

лағларидан сарфларди. (1451 йили қурилган Хўжа Аҳрор жоме масжиди 1954 йили бузиб ташланган).

Ул ҳазрат кашфийёт ва кароматларини тушда кўраб эканлар. Шу туфайли унга валилик нисбати берилиб, Хожа Аҳрор Валий деб улуғлаганлар. «Фиқрот ул-орифин», «Рисолаи волидия» («Мухтасар»), «Рисолаи Ҳаврония» каби асарлар ёзган. Хожа Аҳрорнинг қуйидаги сўзлари янада иборатлидир: «Илмни дунё орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргучи олимлардан узоқ бўлмақ керак»...

Алишер Навоийдек аллома ул зотни «Тариқат қутби» деб бежиз айтмаган.

Абдулвадуд ибн Хожа Абдулвасиъ Шоший (XV-XVI аср) ҳамхаттотлик санъатини пухта эгаллаб олган зиёли киши эди. Ҳаттот Абдулвадуд котиб (уни шу ном билан ҳам аташган) Валиаддин Абдуллоҳ хатиб Табризий ёзиб қолдирган «Мушкот ал-Масобих» номли асарини насх хати билан кўчирган, араб, форс тилларида жуда яхши сўзлаша олган, китобатлар қилган аллома эди.

Шунингдек, Шошийлар қаторига араб тили ва адабиётида ижод этган Абу Омир Исмоил ибн Аҳмад аш-Шоший ал-Омирий, Абу Муҳаммад Матроний, Ҳисомуддин Шоший ҳамда Алоий Шошийларни киритишимиз мумкин.

Бадриддин Чочий XIV асрда яшаган шоирдир. Баъзан Шоший ҳам дейилади. Унинг фасллар ҳақидаги «Қасидан шитоййя» («Қиш қасидаси»), «Қасидан сайфийя» («Ёз қасидаси»), «Қасидан рабиййя» («Баҳор қасидаси») асарлари мавжуд. У Ҳиндистонда 12 йил яшаб ижод этган.

ИЛОҚИЙЛАР

Илоқ — Тошкент воҳасининг ўрта асрлардаги шаҳри бўлиб, Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган. Илоқийлардан иккинчи маълум: биринчиси, XI асрда яшаган Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий; иккинчиси, XII асрда яшаган Муҳаммад ибн Али ал-Илоқийдир.

Шарафуддин Илоқий — табиблик қилган бўлиб, Ибн Синонинг шогирди эди. У касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва аломатлари ҳақида асар ёзган. Табобат ҳақидаги «Муолижот Илоқий», «Қуллийёт ат-тибб», фасллар ҳақидаги «Фусул ал-Илоқия», қонунлар ҳақидаги «Мухтасар ул қонун» асарларида муҳим илмий-амалий маълумотлар мужассам.

Муҳаммад Илоқий эса файласуф олимлардан бўлган. У «ал-Лавоҳиқ» («Қўшимчалар»), «Дўстнома», «Султоннома», «Китоб ал-ҳайвон» каби асарлар битган.

БАНОКАТИЙЛАР

Банокатийлардан бири XIII асрда яшаб ижод этган устод хаттот бўлмиш Али ибн Лҳмад ибн Муҳаммад Банокатийдир. Хаттот араб тили адаб илми, ислом фалсафасини мустаҳкам эгаллаган киши бўлган. Ибн Синонининг «ал-Ишорат ва ат-таъбиҳот» асарига шарҳ ёзган — Насируддин Тусий асарини кўчиришда чиройли ҳуснихат — хаттотлик санъатини кўрсатди.

Иккинчиси, XIV аср тарихчиси Абу Сулаймон Фахруддин Али ибн Абулфазл Довуд ибн Муҳаммад ал-Банокатий ҳисобланади. Банокат шаҳрини Шохруҳия ҳам деб аташган. Шаҳар Амир Темур томонидан ўғли Шохруҳ Мирзо шарафига қурилган. Абу Сулаймон Банокатийнинг тарихга оид «Равзат ули-лалбоб фи-ат-таворих ва ал-ансоб» — «Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаблари ҳақида оқиллар боғи» асари мавжуд.

ТОШКАНДИЙЛАР

Мавлоно Ҳамидуддин Тошкандий XV асрнинг форс, араб тилларида асарлар ёзган олим ва шоир эди. У киши билан сўзлашган ҳар бир одам ул зотнинг улфати доно, сухани ширин ва суҳбати латиф эканлигига гувоҳ бўлган.

Тошкандийлардан яна бири, олим ва тарихчи Мирзо Улуғбекнинг муриди Али Қушчининг набираси Ҳофиз Кўҳакийдир. Унинг тўлиқ исми Султон Муҳаммад бўлиб, падари бузруквори Камолиддин ота паркентлик эдилар. Таворих, араб тили, мантиқ илми, фикҳ қонушунослик, илми диния билан машғул бўлиб, муҳим илмий асарлар битган. Ул табаррук зот Мавлоно Асомиддиннинг шогирди эди. Ҳофиз Кўҳакий 935 ҳижрий, 1528 мелодий йили Ҳиндистонга — Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо таклифига биноан тўй муносабати билан боради. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай дейилган:

«... Тўй бўлди... ўзбек элчилари... бу тўйда бор эрдилар ... Ош тортилғонидин сўнг... Хожа Мир султонга ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фаррух бошлиқ Хожанинг мулозимлариға ва ўзга элчиларга ҳам ол-тундин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди». Шу-

нингдек, олим Акбаршоҳ даврида ҳам Ҳиндистонга борган.

Уз даврининг чин инсонларидан бири бўлган Қўҳакий «Тарихи Тошканд», «Тарихи оли Чингиз», «Рисола фи фани ат-тафсир ва л-усул ва л-фуруъ ва л-мантиқ ва л-калом» асарларини ёзган.

Тошкентнинг эски шаҳар ҳудудидаги Сағбон кўчасида ҳозирда ҳам Ҳофиз Кўҳакий истиқомат қилган маҳалла бўлиб, уни Ҳофиз Кўйи деб атайдилар.

Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Юсуф Қаҳҳол Тошкандий XVI асрда тиб илмига муҳим ҳисса қўшган табиб ва олим бўлиб етишди. У кўз касаллиги билан шуғулланганлиги сабаб Қаҳҳол тахаллуси берилган. Бароқхоннинг ўртанча фарзанди, Тошкент хони Дарвишхонга шахсий табиб бўлиб, унинг топшириғига асосан «Шифо ул-алил» асарини ёзди. Асар сўз боши, 18 бўлим ва хулосадан иборатки, унда инсон вужудининг барча жабҳаларида касалликларга даво ҳақида сўз кетади.

Шоҳ Али Қаҳҳол XVI асрда яшаган Тошкандийлардандир. Унинг «Зубдайи манзума» («Назмлар қаймоғи») асари шуҳрат қозонган.

Шу асарда яна бир табиб Муҳаммад Юсуф Қаҳҳол Тошкандий ҳам яшаган. У Убайдуллоҳ Қаҳҳолнинг отаси бўлган.

Мавлоно Соний Ермуҳаммад ибн Пирмуҳаммад Тошкандий ҳам XVI асрда асосан форсийда ижод қилиб, муаммо жанрида шеърлар ёзди. Соний иккинчи дегандир. Яъни, у Абдураҳмон Жомийдан сўнг шу жанрда битиклар қолдирилган иккинчи шоирдир. У «Қирқ ҳадис» шарҳини ҳам ёзганлиги айтилади.

Боқий Жарроҳ Тошкандий (XVI аср) олим, табиб, мусиқашунос, шоир ҳамда моҳир хаттот эрди.

Ишқ аҳли аро мендек гам шифтаси камдур,
Мажнун меннинг олдимда бир аҳмади беғамдур,

деб шоирлик маҳоратини кўрсатган ҳам.

XVI асрда Севинчхожаҳон ва Султон Муҳаммад даврларида Мавлоно Обид хаттот Тошкандий яшаб ижод этди. У асосан настаълиқ хатининг устаси эди. қанча хаттот шогирдлар ҳам чиқарган.

Тошкандийлардан яна бири тарихчи олим Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон (XVI аср) бўлиб, «Тарихи Рашидий» асари муаллифидир. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг холаваччасидир. Яъниким, волидан

муҳтарамаси Хўб Нигорахоним Тошкентлик Юнусхоннинг қизи эрдилар. Кўрагон дейишига сабаб Бобур билан авлод бўлганлигидир. «Тарихи Рашидий» асари Тўғлуқ Темурхон давридан XIV аср) то 1546 йилгача таворих воқеаларини ўзида мужассам этган.

Шоир Тошкандийлардан Жалил Мирак (XVI—XVII аср) ҳамда Шоҳаким Холис (XVII—XVIII аср) лар ҳам бетакрор асарлар ёзиб қолдирдилар.

Шоҳўжа Ҳаким ибн Шофайзхўжа Тошкандий (XIX аср) Шоҳий таҳаллуси билан ижод этиб, маърифатпарвар шоир табиб бўлиб мударрислик ҳам қилган.

Тошкентлик алломан замонлар ичида XIX асрда яшаб, тарихий асарлар битган олим Муҳаммад Солиҳ ибн Ваҳимхожа (Қорахожа) алоҳида ўрнига эга. Унинг форсийда ёзган «Тарихи жадидан Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асари 2 жилдли бўлиб, мазий ҳақидаги воқеаларни ақс эттирган. Биринчи жилдда муслмон динимиз ва Урта Шарқ мамлакатларининг, иккинчисида эса Кўқон хонлиги тарихи ёритилган. Мазкур асарда XIX асрдаги Тошкентнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти тарихи ақс этган.

Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Султонхўжа (Эшонхўжа қори) Тошкандий ҳам XIX аср тарихчиларидан эди. У «Хулосат ал-аҳвол» («Қисқа таржиман ҳол») номли асарида ўзи яшаб турган давр воқеаларини баён қилади.

Шу жумладан, XVI—XX асрларда ижод этган қуйидаги олим ва шоирлар ҳам илм аҳлига яхши таниш. Ибодуллоҳ, Хушҳол, Дардий, Шухратий Оҳангарони, Муллаи Марохий, Вафоний Дўрмоний, Содиқий, Дўстум Султон, Муҳтарам, Алдулғаффор, Фатҳий, Муҳаммад Тоҳир, Мирза Азиз мунажжим, Умарбек Охунд, Кулфат, Улфат, Зонъ, Азизуллахон, Дилкаш, Фазлулоҳ, Алманӣ ва бошқалар.

Буюк воқеалар, алломан замонлар гувоҳи бўлган кўҳна Шош Тошкентда соҳибқирон Амир Темур ҳам бир неча бор бўлганлиги маълум. Ҳатто у қадимги Баникат ўрнида Шаҳриҳия шаҳрини бунёд эттирган. Унинг авлодлари бўлган Улугбек Мирзо ҳамда Бобур Мирзолар ҳам воҳада кўп маротаба бўлишган.

Пойтахтимиз ва унга туташ туманларда алломан замонлар бисёр эрди. Биз уларнинг айримлари ҳақидагина маълумотлар бериб, тарихга бир оз назар ташладик, холос. Негаки, тарихчи Муҳаммад Амин ибн Мирзо Муҳаммад Замон (XVII аср) айтганидек, тарих илми барча илмлардан ҳам мўътабардир.

МУНДАРИЖА

Сўз боши

I боб

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш фанининг предмети, мақсад ва вазифаси

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг миллий ва назарий асослари

II боб

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш усул ва шакллари

Ўйин ва уни ташкил қилиш методикаси

Эрталик байрамларининг ташкил қилиш методикаси

III боб

Тарбиявий ишларни амалга оширишдаги педагогик маҳорат ва унинг асосий тамойиллари

Педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати

IV боб

Оила ва мактаб ҳамкорлигини ташкил қилиш методикаси

Оила билан мактаб ҳамкорлигини мазмун ва шакллари

Ўқитувчининг ота-оналар билан ишлаш тартиби

Тарбиявий тадбирларга доир материаллар

Фойдаланилган адабиётлар

- Қуръони Карим. «Чўлпон», Т., 1991 й.
- Ал. Бухорий. Ал-адаб Ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). «Ўзбекистон», Т., 1990.
- Қобуснома «Ўқитувчи» Т., 1987.
- Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. «Юлдузча» Т., 1990.
- Каримов И. А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
- Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
- Каримов И. А. Ўзбекистон миллий истиқлол, спёсат мафкураси — Тошкент, «Ўзбекистон» 1993.
- Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» қонуни. «Маърифат» газетаси. 1992 й. июл. ойида.
- Боболардан болаларга. «Юлдузча» Т., 1989.
- Шарқ тафаккури ҳазинасидан Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1986.
- Ибн Сино. Шеърлар ва тиббий дoston. «ЎАКП МК нашриёти», Т., 1981.
- Раҳимов Р. Б. Авеста ва медицина «Медицина», Т., 1983.
- Тошкандий С. Темурнома. «Чўлпон», Т., 1990.
- Темур Тулуқлари. Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т., 1991.
- Т. Тешабоева. Болалар тарбиясида олд янги урф одатлар. Тошкент. «Фан», 1980.
- Навоий А. Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1983.
- Бобурнома., «Чўлпон», Т., 1987.
- Машраб Б. Танланган асарлар. «ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти» Т., 1963.
- Ўзбек халқ эртаклари «Еш гвардия», Т., 1985.
- Қосимов Б. Абдулла Авлодий. «Ўқитувчи» Т., 1979.
- Тўраева О. Қизлар тарбиясида оналарнинг роли. «Ўзбекистон», Т., 1969.
- Тўраева О. Бола аъза, одоби ундап аъза. «Ўқитувчи», Т., -986.
- Валиева Н. Ифқат ва назокат. «Ўзбекистон», Т., 1973.
- Охунова Э. Киз ҳусни. «Ўзбекистон», Т., 1972.
- Миродимов Ш. Наврўз «Еш гвардия», Т., 1990.
- Темуров С., Топиўлатова Ғ. Сийф раҳбарл фаолияти. «Ўқитувчи», Т., 1985.
- Ортиқов Н. О., Жўраев А. Ж. Мактаб, онла ва жамоатчилик ҳам-корлиги кенгаши. «Ўқитувчи», Т., 1889.

- Атоев А. К. Фарзандингиз баркамол бўлсун. «Иби Сино», Т., 1990.
- Усмонов Р. «Одобнома» «Ўқитувчи», Т., 1985.
- Мардонова Г. Нур тўла уй. «Меҳнат», Т., 1992.
- Жўраев А. Тарбиявий дарслар ўтиш. Т., «Ўқитувчи», 1994.
- Фахр-ул Банот. Оила сабоқлари. Тошкент «Ёзувчи» 1992.
- Нашдатнома. Т., 1994.
- Тарбиявий иш методикаси. Т., «Ўқитувчи» 1991.
- 430
- Ғуломиддин Акбарзода. Таълими соний. Т., «Мерос», 1993.
- Педагогика тарихидан хрестоматия. Т., «Ўқитувчи», 1994.
- Ҳасанбоева О. Узайтирилган гуруҳларга тарбиявий ишлар Т., «Ўқитувчи», 1994.
- Маҳмудова В. Деганми улуққа мағруб эт. Т., «Ўзбекистон», 1992.
- Ҳикматлар хазинаси. Тошкент «Наврўз», 1994.
- Ушинский К. Д. Танланган асарлар. Тошкент, 1958.
- В. А. Суколинский. Тарбия тўғрисида. Тошкент, «Ўқитувчи» 1985.
- В. А. Суколинский. «Болаларга жоним фидо». Тошкент, 1984.
- Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1995.
- М. Туропова. ва бошқалар. «Ватан, мустақиллик нурига тўлсин», РТМ., Т., 1996 йил.
- М. Туропова. «Достонларда битган гулистон...» «Маърифат» Тош., 199 31 август.
- У. Маҳкамов. Аҳлоқ-одоб сабоқлари. Тош., «Фан», 1994.
- Фахр-ул Банот. Сибғатуллоҳ қизи. «Оила сабоқлари», Тош., «Ёзувчи», 1992.
- Эркин Холмуродов. Оила қувонч, бахт. Тош., 1994.

О. ХАСАНБОВА

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

(Методик тавсиялар) ўзбек тилида

Нашр мудир: Олимхон Юсупов

Муҳаррир: М. Туропова

Тех. муҳаррир: Джусипбаева Г. Қ.

Мусаҳҳиҳ: Юсупова М

Теришга берилди 5.12.96. Босишга рухсат этилди 28.12.96. Бичими 84x108. Шартли б. л. 6,3 Нашр б. л. 5,75 Адади 5000. Буюрма 430. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал фабрикасида топ этилди. Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1.

35c